



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, кейинги йилларда Ўзбекистонда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш йўлидан изчил олға силжиш борасида кенг кўламдаги чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди.

2011-2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар миқёсини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш доирасида фақатгина сўнгги йилнинг ўзида тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги таъминли қонун даражасида жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари сезиларли даражада соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида солиққа оид режали текширишлар ўтказилишини таққиловчи тартиб жорий этилди. Давлат томонидан хариш қилишнинг янги янада такомиллаштирилган, очиқ ва ошқора механизми ўрнатилганки, бунда кичик бизнес субъектларига афзаллик берилди. Барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимида босқичма-босқич ўтказиш бошланди.

Республика ва минтақалар бўйича иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш кўламларини, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чорақда баҳолаш кўрсаткичлари тизими жорий этилган.

Давоми 2-бетда ➤



Жамиятни қонунлар бошқаради

шу нуқтаи назардан уларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш энг масъулиятли вазифалардандир

Депутат минбари

Асрлардан асрлар оша инсон, унинг саломатлиги ва ҳуқуқи, қолаверса, яшаш ҳуқуқи — энг олий қадрият ҳисобланиб келади. Демократик таъминлар тараққий этгани сари инсон манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим бўлган ижтимоий соҳанинг ҳуқуқий меъёрлари янада жиддийлашиб, янада қатъийлашиб, одамнинг қадр-қиммати ортиб бораверади.

Бугунги кунда инсон оми-лига асосий устуворлик берилаётган мамлакатимизда фуқароларнинг, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника ва ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, аҳолининг тиббий, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ислохотлар ёрқин натижалар бермоқда.

Дарҳақиқат, мустақил та-раққий йўлимининг бешта таъминларидан бири бўлмиш — Кучли ижтимоий сиёсат таъминларининг амалдаги бир ифодаси сифатида фуқаролар соғлиқни сақлаш масалалари давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир.

Шу боисдан бош мақсади — жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш ва барча фуқаролар учун муно-

сиб, фаровон ҳаётни таъминлашдан иборат бўлган Ўзбекистон «Адолат» СДП-нинг сайловолди дастурида мамлакатимиз фуқаролари саломатлигини муҳофаза қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворини яратиш вазифаси — энг долзарб масалалар қаторидан ўрин олган.

Давоми 4-бетда ➤

Инсон

маънавий
камолоти
билан улуг



Инсоният тарихи моҳият эътиборига кўра неча-неча асрларга татигулик хулоса ва сабоқлардан иборат. Узок ўтмишга тааллуқли маълум бир воқеанинг одамлар ҳаётига, жамият аъзолари онг-тафаккурига таъсири даврлар ўтиши билан ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди, аксинча, бу сабоқларнинг ибратли жиҳатлари келажак авлодларга ҳам хизмат қилади, уларга тўғри йўللари кўрсатади, тўғри ечимларни топишда ёрдам беради.

Ана шундай сабоқлардан бири шуки, жамият тараққий-иқтисодий ютуқлар билан бирга маданий-маърифий соҳада амалга оширилган ислохотларнинг самарасига ҳам бевосита боғлиқ. Зеро, инсоннинг дунёқараши ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмай туриб, жамиятни ривожлантириб бўлмайди. Жамият бутунлай янгиланаётганида, тузум ва бошқарув ўзгараётганида бу вазифани ҳал этмай туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин.

Мустақиллиқнинг дастлабки даврида ёш давлатимиз, аста-секин оёққа тураётган жамиятимиз олдида собиқ тузумдан қолган ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкурaviy асоратлардан қўтилиш, пароканда иқтисодни қайтадан йўлга қўйиш, мамлакатда тинчлик-тотувликка, аҳил-иноқликка эришиш, мустақилликни сақлаб қолиш, миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифаси турар эди. Шу вазифалар ичида маънавий тарбия, янги авлод дунёқараши-ни шакллантириш бирламчи

аҳамиятга молик эди десак, муболага бўлмайди.

Мустақиллиқнинг дастлабки қадамлари қандай шароитда қўйилгани, қандай курашлардан ўтганимиз, бири иккинчидан мураккаб муаммоларни қандай ҳал этганимиз ёдимизда. Ички ва ташқи хуружлар кучайиб, имон-эътиқоди суст қилишлар фаол бўлишдан кўра оддий кузатувчиликни афзал кўриб турганлари ҳам ёдимизда. Мана шундай шароитда маънавият инсонни руҳан пок-ланишга, қалбни улғайтишга, камолга етишга ундовчи, инсон ички дунёсини гўзал, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини бедор қиладиган куч эканини таъкидлаш, маънавиятни одамларнинг қалбига бевосита ва самарали таъсир кўрсатувчи, уларни эзгу ишларга, яратувчанликка чорловчи тарбия воситаси сифатида эътироф этиш узокни кўзланган доно сиёсат ифодаси эди.

Давоми 8-бетда ➤

Партиялар фаоллигини ошириш —


давр талаби

Мулоҳаза

Мамлакатимиз фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан борар экан, мазкур мақсадга эришишда партиялар катта роль ўйнайди, албатта. Шунинг учун партиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида кўп гапирилмоқда, кўп ёзилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши, уларнинг хотин-қизлар, ёшлар каби қанотларининг пайдо бўлиши, мамлакатимизда ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий таъминлардан келиб чиқиб, парламентнинг икки палатали тизимга ўтиши натижасида давлат бошқарувида жамоат ташкилотлари, жумладан, партиялар таъсирининг кучайиб бориши, сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилишининг қатъий белгилаб қўйилиши, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан назоратини ривожлантириш ва шу асосда ижтимоий шериклик, манфаатлар мувозанати ва ўзаро тийиб туриш тизимини ҳаётга татбиқ этиш масалаларида амалга оширилган ишлар юртимизда партияларнинг фаоллашувида катта аҳамиятга эга бўлди.

Шунга қарамай партиялар фаоллигини бугунги давр талаблари нуқтаи назаридан етарли даражада таъминлаш бўлмайди. Бунинг сабабларидан бири асосан ят шаҳарлардан ташқари ҳудудлар фуқароларининг фуқаролик жамияти, унинг институтлари, уларнинг келажакда мамлакат бошқарувида таъдидан ўрни, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда уларнинг роли билан боғлиқ савияси юқори даражада эмаслиги бўлса, иккинчи сабаб ҳудудларда партия ташкилотлари, айниқса, бошланғич партия ташкилотларининг етарли даражада шаклланиб-ётганлиги ва ривожланмаётганлиги, партиявий фаолият, ваколатлар ва улар тўғрисидаги маълумотларнинг етарли эмаслигидир.



Оилавий тадбиркорлик:

аҳолини ижтимоий ҳимоя
қилиш омили

Семинар

Мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришда эса партия фаоллари, депутатлар қандай йўл тутишлари лозим?

Ургут туман ҳокимлигининг мажлислар залида Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари учун «Оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлашда партиянинг иштироки» мавзусида ўқув-семинари ўтказилди.

Давоми 5-бетда ➤

Давоми 5-бетда ➤

Сиёсат

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давом. Бош 1-бетда

Натижада, 2000 йил билан таққослаганда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 54 фоизга кўпайди, ушбу соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони шу давр ичида 2 баробардан кўпроқ ошди ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат билан банд бўлганларнинг 75,1 фоизидан кўпроги унинг улушига тўғри келади. Ҳозирги вақтда ялпи ички маҳсулотнинг 82,5 фоизи, саноат маҳсулотининг 91 фоизи ва қишлоқ хўжалигининг деярли барча маҳсулоти нодавлат секторидида ишлаб чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, **ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари** эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умум қабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга ҳали тўлиқ даражада мос келаётгани йўқ. Тадбиркорлик фаолиятини ортқига регламентлар билан чеklang қўйиш ҳоллари ҳали ҳам бартараф этилмаган, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида катта, серхаражат, ношқора маъмурий тартиб-таомиллар ҳақон амал қилиб келмоқда, бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам берилмаган.

Ҳозирги халқаро амалиётда қабул қилинганидек, регламентга солувчи тартиб-таомиллари янада соддалаштириш, арзонлаштириш ва қисқартириш, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевоқифлиги мулоқотсиз электрон шаклларини ҳамма жойда кенг татбиқ этиш талаб қилинади.

Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очик-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш ме-

зонларининг жаҳон амалиётида ҳамма томонидан қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Марказий банки томонидан манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда Жаҳон банки ҳамда унинг бўлини маси бўлган Халқаро молия корпорацияси томонидан қабул қилинган "Бизнесни юритиш" ҳисоботи ни шакллантириш методикасига мувофиқ ишбилармонлик муҳити ҳолатини омиллар асосида таҳлил қилиш ҳамда мамлакат рейтингини белгилаб берадиган баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини татбиқ этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

2. Куйидагилар бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг гоёт муҳим вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, бюрократик ғовларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини ошириш;

бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолашнинг жаҳон амалиётида умум қабул қилинган халқаро мезонларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи халқаро молиявий-иқтисодий ва рейтинг ташкилотларининг юқори баҳо кўрсаткичларига эришиш;

ички бозорда рақобатни янада чуқурлаштириш, мулкчилик ва фаолиятни ташкил

қилиш шаклларида қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни юритишда тенг шароитлар яратиш, бозор тамойиллари асосида моддий-хомашё ва кредит ресурсларидан фойдаланишга, давлат харидларида ҳамда маҳсулотларни сотиш ва пудрат ишларини амалга ошириш борасидаги танлов савдоларида иштирок этишга кенг имкониятлар яратиб бериш;

статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишда, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашда, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда, ер майдонларини ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашишда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита мулоқотни, бюрократик сансалорлик ва коррупцияни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан Интернет тармоғига кенг миқёсда ўтишни таъминлаш.

3. 2012 йил 1 августдан бошлаб, 1-иловага мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамасининг комп-лекслари, 1-иловада кўрсатилган масъул ижрочилар — вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари 2012 йилнинг 1 августига қадар бўлган муддатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Фармоннинг ушбу бандига мувофиқ ҳолга келтирсинлар.

4. Қонунчилиги такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул ижрочилар — вазирликлар, идоралар, банклар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликлари Дастурда назарда тутилган аниқ чора-тадбирларни белгиланган муддатларда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига қиритсинлар. Тегишли вазирликлар, идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари зиммасига чора-тадбирлар Дастурига қиритилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси 2-иловада назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан қаттиқ тизимли назорат ўрнатсин, уларнинг ижросини ҳар чорақда ўз маж-лисларида қўриб чиқсин ва чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича зарур чораларни кўрсин.

5. 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида қуйидаги тартиб-таомилларни ўз ҳо-ҳишларига қўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар:

банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан "Интернет-банкнинг" тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банклари;

юклари божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан то-варларни декларация қилиш — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

"бир ойна" тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш, — Ўзбекистон Республикаси "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси;

тадбиркорлик субъектларининг давво аризалари ва ил-тимосномаларини ҳўжалик суд-ларига бериш — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2012 йил 18 июль

Қарор ва ижро

Муқаддас динимизнинг энг муҳим арконларидан бири адо этиладиган Рамазон ойи кириб келди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 17 июлда қабул қилинган «Муборак Рамазон ойини муносиб торзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорига биноан эзгулик ва меҳр-муҳаббат, хайр-саховат ва шукроналикка йўрилган мақсуд фазилатли ойни юртимизда кўтаринкилик, ҳамжиҳатлик билан ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари **Абдулазиз МАНСУР** Рамазон ойининг халқимиз ҳаётидаги ўрни ҳамда мамлакатимизда уни миллий қадриятларимизга мос тарзда нишонлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

Муборак ой шукуҳи

— Истиқлол шарофати билан юртимизда миллий-диний қадриятларимиз тикланиб, Рамазон, Қурбон ҳайити каби ибодат ва маросимларни мукамал адо этиш, фазилатли кунлар шарофатидан баҳраманд бўлишга кенг йўл очилди. Халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқиб, муборак Ҳаж ва Умра зиёратларига бориш имкониятига эга бўлди. Диний адабиётларнинг нашр қилиниши, маросимларимиз ва миллий урф-одатларимизни эмин-эркин адо этиш бахтига мушарраф бўлганимиз ва бошқа кўплаб хайрли ишлар амалга оширилдики, бунинг учун ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 17 июлда қабул қилинган «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарориди бу ой билан боғлиқ тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида муҳасам инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини эъзозлаш, мамлакатимизда муқаддас динимизни тиклаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг бой илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш борасидаги кенг қўламли ишларимизни тарғиб этиш, ушбу қутлуг ойда амалга оширилаётган хайрия тадбирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган ишларни янада кўчатиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кайт этилган.

Мустақиллик йилларида юртимизда ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган азиз-авлиёларимизнинг хотираси тикланди. Зиёратгоҳлари обод этилиб, бой меросини ўрганиш бўйича кенг қўламли саяёҳаракатлар олиб борилиди ва бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу юртдошларимиз қалбида истиқлол берган неъматларга шукроналик, буюк алломаларимиз хотирасига юксак эҳтиром туйғулари кучайтиради.

Мамлакатимизда диний эътиқод эркинлигининг таъминлангани, жумладан, ислом илмини ўқитишга ихтисослашган бир қатор таълим муассасаларининг фаолият юритиши бой тарихий ва маънавий меросимизни улуғлаш йўлида улкан қадмалар ташланганидан далолатдир. Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти каби олий таълим даргоҳлари, шунингдек, бир қатор ўрта махсус билим юр-ларида ёшларнинг диний ва дунёвий илмларни эгаллаши-га ҳар томонлама пухта шарт-шароит яратилган.

Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирлар юртимизда ҳар йил кўтаринкилик, ҳамжиҳатлик билан ўтказилади. Ҳайит намозлари тинчлик-осойишталикда, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликда адо этилади. Бу эзгу ишларни муносиб тартибда ўтказишда тегишли ташкилот ва идоралар, маҳалла фаоллари жонбозлик кўрсатадилар.

Муборак Рамазон ойда юртдошларимиз эзгу ишларни амалга оширишга шошиладилар. Аллоҳ таолонинг яхши ишлар учун ажру муко-

фотларни бир неча баробар қўпайтирадиган бу кунларни ғанимат қилиб, хайрли амалларни қўпайтиришга, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга, халқимизга хос фазилатларни, миллий-диний қадриятларини муносиб равишда нишонлашга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Президентимиз томонидан Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилинган ушбу йилда оилаларнинг бахти-юлдузи йўлида ҳар биримиз ўз имконият ва иқтидоримиз доирасида ҳаракат қилмоғимиз зарур. Динимиз ота-онани улуғлашга, қариндошлик ришталарини мустаҳкамлашга — оилани муқаддас билишга ундайди.

Рамазон ойда саховатпешалик, меҳр-оқибат сингари инсонпарварлик туйғулари янада кенгрок намоён бўлади. Ушбу муборак ой бир неча йилдан буён энг улуғ, энг азиз байрамимиз — истиқлол тантаналарига тўғри келаётгани унинг шукуҳи ва руҳини янада оширмоқда.

Рамазон ойини тинчлик, осойишталик ва хурсандчиликда ўтказиш ҳаммамизга насиб этсин. Юртимиз доимо тинч, халқимиз фаровон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Матназар ЭЛМУРОВОВ,
(ЎЗА)

“ЁЗ-2012”



Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош шаҳри халқ таълими бўлимига қарашли “Ойдин йўл” оромгоҳида учинчи мавсумда 135 ўғил-қиз марокки хоридик чиқармоқда.

Ушбу оромгоҳда болаларнинг мазмунли дам олиши, спорт билан шўғулланиши, турли ўйинлар ва маданий-маърифий тадбирлар уюштириш учун барча шароит яратилган. Футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, гимнастика, стол тенниси тўғрақлари, “Биозкосан”, “Ёш иқтисодий техник” марказлари, адабиётларга бой кутубхона уларнинг ихтиёрида.

Оромгоҳга ўттизга яқин педагог-тарбиячи ва тиббиёт ходими жалб қилинган. “Ойдин йўл”да таътил кунларини соғлом ва бардамликда, бой таассуротлар билан ўтказётган болаларнинг қувончи чексиз.



Суратларла: Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош шаҳри халқ таълими бўлимига қарашли “Ойдин йўл” оромгоҳида.
Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган суратлар

Ҳуқуқий маданият — қонун устуворлиги гарови

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарбияни янада изчил йўлга қўйиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малака ҳамда билимларини мустаҳкамлаш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда.

Ривожланган демократик мамлакатлар тарихий тараққиётини ўрганиш шундан далолат берадики, бирон-бир жамият дастлаб баркамол авлодни вояга етказмасдан туриб, буюк ўзгаришларни содир этолмаган.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг тақдирини, унинг келажаги ҳам бундан мустақно эмас. Ҳар қайси жамият, ҳар қайси давлат ва миллат қудрати, унинг табиий бойликлари, ҳарбий қучига ҳамда ишлаб чиқариш технологияларига боғлиқлиги нисбийдир. Уни биринчи навбатда дунёга танитадиган, юксак маданиятли маънавий баркамол инсонлардир. Масаланга ана шу нукта назардан ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Негаки, демократик жамиятни фақат маърифатли, маънавий баркамол кишиларгина барпо этиши мумкин.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғайишлари учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими шакллантирилди. Бугунги кунда мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига доир юздан ортқ қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мослиги баробарида, тарихий таърибимиз, урф-одат ҳамда миллий маънавиятимизга ҳам ҳамоҳангдир. Ушбу қонун

ҳужжатлари вояга етмаганлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз истеъдод ва қobiliятларини тўла намоён этишлари учун хизмат қилиб келмоқда. Мамлакатимизда ёшларга доир қонун ҳужжатларининг тақомиллашуви республикамиз аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил этаётган ёшларнинг ҳуқуқий билимларини янада ошириш, бу борадаги ишларни узлуқсиз ва тизимли равишда олиб боришни ва шу орқали юксак ҳуқуқий маданиятга эришиш авлоднинг тарбиялашига таъсир этмоқда.

Бугунги кунда фуқароларнинг мустақил фикрини, дунёқарашини шакллантиришда ҳуқуқий маданиятнинг ўрни нечоғли баланд эканини таъкидлашга ҳоҳат бўлмас керак. Эеро, ҳуқуқий маданияти юксак инсон атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқ бўлмайди. У ҳар қандай шароитда ҳам жамиятнинг мустақил фикрловчи онли аъзоси бўлишга интилади, ҳар бир ишга ўзининг шахсий нуктаи назарини билдиришга қодир бўлади. Онгли, огоҳ жамият аъзоси

мамлакат тараққиётига ғов бўлаётган турли иллатларга қарши курашади. У ўзининг Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш истагида бошқалар ҳуқуқларининг ҳимоячисига ҳам айланади. Жамиятдаги ҳуқуқий маданиятнинг юқорилиги фақатгина қонун устуворлигига эришиш дегани эмас, балки мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ёш авлоднинг ўзгаларга тобе бўлишдан асраш ҳам демократ. Шунинг учун жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишига нафақат давлат, балки умуммиллат даражасидаги вазифа сифатида қарамоқ зарур.

Мамлакатимизда келажақ, демократик ислохотлар тақдирини, кишиларнинг, бутун халқнинг онги, маънавияти даражасига боғлиқ. Инсон руҳияти соғлом бўлса, ўзлигини англаса, шахсга айланади. Киши шахс даражасига кўтарилсагина, яъни ўз мустақил фикрига, дунёқарашига, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлгандагина, демократия неъматларининг оддий истемоли-чиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Шунда демократик фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши мумкин бўлади.

Муҳаббат ЖАМОЛОВА,
Каттақўрғон шаҳар,
ФХДБ бўлими мудираси

Депутатлик
гурӯҳларида

Мамлакатимизда халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши эса бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Эл ташвиши
эзгуликка ундайди

Давлат дастурида оилалар саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланган ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Давлат дастури ижросида давлат ва нодавлат ташкилотлари қаторида сиёсий, партиялар, уларнинг маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гурӯҳлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Андижон вилояти Кенгаши депутатлари дастур ижросида фаол иштирок этиш мақсадида 2012 йилдаги ўз иш режаларини тузишда бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Бу борада, айниқса, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилаётган турли тадбирлар, кўрик-танловлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Аёллар ва болалар спортини ривожлантириш, қишлоқ жойлардаги спорт майдонлари ва спорт секциялари фаолиятини жонлантириш ҳам депутатларимиз фаолиятида асосий ўрин эгалламоқда. Аёллар саломатлигини мустаҳкамлашда спортнинг роли алоҳида тарғиб қилинмоқда. Жойларда ўтказилаётган турли спорт тадбирларида аёллар ва ёшларнинг иштироки ортиб бормоқда. Йилнинг ўтган даврида бу борада Андижон, Асака ва Қўрғонтепа туманларида бир неча бор оммавий спорт тадбирлари ўтказилди.

Айниқса, депутатларнинг вилоят Кенгашидаги доимий комиссиялардаги фаолияти самарали бўлаяпти. Бунинг билан вилоят Кенгашининг «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари» доимий комиссияси фаолияти мисолида кўриш мумкин. Комиссия аъзолари биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилалар муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни

янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Амалдаги йилда доимий комиссиямиз томонидан юқоридаги вазифалар билан бир қаторда ёшларни иш билан таъминлаш, уларни қимматли инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бosh бoшқармаси билан ҳамкорликда жойларда ишсиз ёшлар ижтимоий касб-хунарга йўналтирилаётган бўлса, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши билан бирга йигит-қизлар маънавиятини юксалтириш, уларни бугунги кун руҳида тарбиялаш ишлари олиб борилмоқда. Бу борада «Бир гоё атрофда бирлашамиз» шiori oстида ўтказилаётган тадбирлар қўллаб ёшларда қизиқиш уйғотмоқда.

Шу ўринда доимий комиссиямиз аъзолари томонидан ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозим. Андижон шаҳар, Андижон ва Жалолқудук туманларида йилнинг ўтган даврида 15 нафардан зиёд ёшлар маҳаллий Кенгаш депутатлари кўмагида имтиёзли кредит олиб, ўз иш бизнесларини бошлашди. Масалан, ана шундай имкониятдан самарали фойдаланган Наргиза Мирзаолимова бугунги кунда 20 нафар ёшларга миллий хунарамандчилик сирларини ўргатиб келмоқда. Андижон туманидаги иқтисодий касб-хунароқда таъминлаш тизимини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозим. Зеро, давр — фаолликни талаб этади.

Келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг чуқур билим олиши, касб-хунароқда ўрганиши

учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу йўлда мамлакатимизда қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонуни асосида олиб бoриладиган ишлар юксак самаралар бермоқда. Иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида вилоятда касб-хунароқда битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Аниқланган камчиликлар доимий комиссия йиғилишида ўрганилиб, масъул идораларга камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Муҳтасар айтганда, ўтказилаётган тадбирлардан ёшларнинг асосий мақсад ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий савиясини янада юксалтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, мамлакатимизда олиб бoриладиган ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтиришдан иборат. Бу мақсадларга муайян даражада эришилмоқда. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятида ҳали ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар ҳам мавжуд. Жумладан, депутатлар фаоллигини янада ошириш, ўтказилаётган тадбирлар сифати ва салмоғини яхшилаш, фаолият самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган янги усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш лозим. Зеро, давр — фаолликни талаб этади.

Акбар НАЗАРОВ,
Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари» доимий комиссияси раиси

Гояларга садоқат

кўзланган мақсадларга яқинлаштиради

Бошланғич
ташкилотларда

Ҳар қандай сиёсий партиянинг аҳоли орасидаги нуфузи ва мавқеи кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотларининг фаоллигига боғлиқ. Шу боис Ўзбекистон «Адолат» СДП ўзининг барча ҳудудий Кенгашларидаги БПТлар фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, аъзолари сонини кўпайтириш ҳамда уларнинг ташаббускорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон «Адолат» СДП Қарши шаҳар кенгашининг мингдан ортиқ аъзолари 30 га яқин БПТларга бирлашган. Мазкур куйи ташкилотлар партиянинг мақсад ва гоёлари ҳамда мафкурасини кенг омма орасида тарғиб қилиш ишларига катта ҳисса қўшишмоқда. Шаҳар партия кенгаши таркибидagi Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари очик акциядорлик жамиятида ташкил қилинган бошланғич партия ташкилоти ҳам ана шундай фаол куйи ташкилотлардан бири.

— Бошланғич ташкилотимиз ўтган йили ташкил этилган, — дейди куйи ташкилот етакчиси Икром Қўрбонов. — Шу вақт ичида 150 нафар акциядорлик жамиятимиз ходимлари ўз хоҳиш истаклари билан сафимизга қўшилишди. Гап БПТнинг қачон ташкил топгани ва аъзоларининг сонидан эмас, албатта. Энг муҳими, «Адолат» СДПга аъзо бўлган ҳар бири киши партияимизнинг бош мақсади — мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ҳамда ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини барпо этишга муносиб ҳисса қўшиш йўлида жонбозлик кўрсатишмоқда. Сафимизга қираётган ҳар бир янги аъзоларнинг маънавий ва сиёсий етуқлигига, фидойилигига ва ташаббускорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БПТ фаоллари партиянинг муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш масаласига устувор вазифа сифатида қараб келмоқда. Бошланғич ташкилот

солларда аҳолига тушунтирилмоқда.

Қолаверса, куйи ташкилот аъзолари ташкилий партиявий ишларда ҳам фаолликни оширишга интиломқдалар. Партия гоёларини халқ ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида жойларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида ўтказилаётган давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар аҳолида катта таассурот уйғотмоқда, уларнинг айрим муаммоларига ўз вақтида ечим топишмоқда. Шаҳар кенгаши билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ҳар ҳафта ва ойда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан йиғилишлар мунтазам ўтказиб бoрилаяпти. Бу эса БПТ фаолларининг ўз зиммасидаги вазифаларига доимо масъулият билан ёндашишларига хизмат қилмоқда.



Шунингдек, тарғибот-ташвиқот тадбирларини изчил ўтказишга муҳим эътибор бoрилаяпти. Ҳозиргача шаҳардаги бир қатор ўрта махсус таълим муассасаларида ёшларнинг бугунги сиёсий жараёнида фаол иштирокини таъминлаш мақсадида «Баркамол авлод — Ватан таяничи», «Юрт тақдири ишончи қўлларда», «Мардлар кўриклайди Ватанини», «Жўшқинлик ва шижоат шiorимиз» каби мавзуларда тадбирлар уюштирилди. Бундан ташқари, Шодлик, Қўнчиқар, Қўлқувар, Пахтазор, Ойдин, Табассум маҳаллаларида шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, соғлиқни сақлаш, нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида «Соғлом оила — жамиятимиз таяничи», «Соғлом она — соғлом бола», «Спорт — соғлиқ гарови», «Гийҳандлик — аср вабоси», «Репродуктив саломатлик», «Огоҳлик — давр талаби» каби мавзуларда учрашувлар ташкил этилди. Шу кунларда истиқлолимизнинг 21 йиллиги муносабати билан шаҳардаги кўпгина корхона, ташкилот ва муассасаларда «Буюк ва муқаддасан мустақил Ватан», «Мустақиллик — энг олий қадрият», «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан» мавзуларида тадбирлар, мусиқий кечалар, давра суҳбатлари ташкил этилаяпти. Бу эса «Адолат» сафлари кенгайишига ва унинг хайрихоҳлари кўпайишига сабаб бўлмоқда.


Умуман БПТ фаоллари мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бoришаяпти. Партиявий-ташкилий ва тарғибот ишлари кун сайин кучайтирилмоқда. Бу эса партия дастурига ишонч туйғусининг янада мустаҳкамланишига, юртдошларимизнинг партия гоёларига бўлган ишончи орттишига хизмат қилаётир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қашқадарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати

«Ўзбекистон — умумий уйимиз»

Дастур
доирасида

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистон — аҳил оила» мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбир Республика Байналмилал маданият маркази билан ҳамкорликда 11 июль — «Жаҳон халқлари кўни» муносабати билан ташкил этилди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кен-

гаши депутатлари, Республика Байналмилал маданият маркази, миллий маданий марказлар вакиллари ҳамда ом-



мавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ана шундай изчил сиёсат тўғрисида юртимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб, кўпмил-

латли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик тобора кенг қарор топиб бoраётгани таъкидланди.

Унда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда тинчлик ва оқсоғимиз, талик, миллатлараро тотувлик-

нинг ҳуқуқий асослари, турли миллат ва элат вакилларининг эмин-эркин яшаши, билим олиши ва меҳнат қилиши учун яратилган имкониятлар ҳақида сўз юритдилар. Шунингдек, истиқлолнинг 21 йиллигини

муносиб кутиб олаётган юртимизда барча эркинликка эгалик ҳуқуқидан бирдек фойдаланиб, «Ўзбекистон — умумий уйимиз» деган юксак ишонч ва мустаҳкам эътиқод билан бахтли ҳаёт кечираётганларини қайд этдилар.

— Мустақиллик шарофати билан бугунги кунда мамлакатимизда тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг қонун олдида тенглиги қафолатланган, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Фазлиддин Равшанов. — Конституциямизда юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари ва қадриятларини ҳурмат қилиш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлангани бугунги ютуқларга эришимизда муҳим асослардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Айтиш ўринлики, Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ушбу ҳужжатда миллатлараро тотувликини таъминлаш, халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатликни кучайтиришга устувор вазифа сифатида қаралади. Шу маънода, мазкур тадбир турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик, тотувлик, биродарлик

ришталарини янада мустаҳкамлаш шубҳасиз.

— Жаннатмонанд Ўзбекистонда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаб, Ватанимиз раънақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан Азербайжан маданият маркази уюшмасининг ижрочи директори Фирдавсий Гусейнов. — Бу эса ўз навбатида, мамлакатимизда қарор топган тинчлик-осойишталикка, барқарорликка муҳим асос бўлмоқда. Бугунги кунда республикаимизда азербайжанликлар ҳам барча соҳа ва тармоқларда самарали меҳнат қилиб, аҳил-иноқликда фаровон ҳаёт кечирмоқда. Мазкур тадбир ҳам халқларимизнинг маданий ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбир давомида миллий маданият марказлари жамоалари ўзларининг ранг-баранг дастурларини намойиш этди. Тадбир иштирокчилари ва меҳмонлар турли миллат ва элатларнинг қўшиқ ва рақслари билан яқиндан танишдилар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Партия ҳаёти

Жамиятни қонунлар бошқаради

шу нуқтаи назардан уларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш энг масъулиятли вазифалардандир

Давом. Боши 1-бетда


Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларга кенг йўл очиб берган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган муҳим вазифалардан бири соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришдан иборат эди. Чунки йўналиши қандай бўлишидан қатъи назар, ислохотлар самарадорлиги, энг аввало, унинг меъёрий-ҳуқуқий базаси қай даражада яратилганлигига боғлиқ.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғин ва йўналишларида олиб борилаётган ислохотларда Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт тизимидаги қатор муносабатларни тартибга солиб келаётган соҳага оид ўнлаб қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилиб келмоқда.

Тизимда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш механизми принципал жиҳатдан қайта қўриб чиқилиб, замон талаб ва эҳтиёжларидан, маҳаллий шарт-шароитлардан, фуқароларнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда мутлақо янгича тарзда ташкил этилди. Олий маълумотли шифокор томонидан жойида ва малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида республикамизнинг ҳаттоки энг чекка ҳудудларида ҳам кам самарали фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўрнига замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари (КВП) барпо этилди. Уларнинг сони бугунги кунда уч минг икки юздан ортиб кетди.

Ислохотлар маҳсули сифатида ташкил этилган Республика шовишлин тиббий ёрдам маркази, туман ва шаҳарлардаги ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва бўлимлардан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат янги тизим, республикамизнинг аксарият вилоятлари марказларида туғма ногиронликнинг олдини олишга ихтисослашган замонавий «Скрининг хизмати» марказлари аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тиббиётнинг хусусий секторида хизмат кўрсатаётган шифокорлар учун бошқа соҳалардаги тадбиркорлик



субъектлари билан тенг асосда шарт-шароитлар ва ҳуқуқий имкониятлар яратилиб, жамиятимизда давлат ва нодавлат тиббиёт муассасаларининг фаолият олиб бораётганлиги — альтернатив тиббиётнинг, тиббий хизмат кўрсатиш бозорининг тараққий этиб боришига, энг аввало, бемор ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли механизмни вужудга келтиришга йўналтирилган.

Давлат бюджетининг ижтимоий, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган миқдори «Йилдан-йилга» сезиларли даражада кўпайтириб боришмоқда. Ваҳоланки, энг ривожланган мамлакатларда ҳам тиббиёт тизимининг моддий таъминоти фақат давлат бюджети эвазига эмас, балки кўпроқ ўша давлатлар тиббий сўғуртаси ва йирик-йирик ҳоимийлик маблағлари ҳисобига оширилаётганлиги жаҳон амалиётидан маълум.

Аммо тиббиёт соҳасида бугунги кунда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, ҳали соҳада ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Хусусан, соҳага доир қонунчилик базасини янада мустаҳкамлашни давнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор Қонунларининг айрим моддалари ва нормаларида хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланувчи шифокорлар

ёки бўлмаса хусусий тиббиёт амалиётига мурожаат этадиган беморлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳадақат берадиган зиддиятли ҳолатлар мавжуд.

Шунингдек, у ёки бу касалликни даволаш ва олдини олиш самарадорлиги, энг аввало, фуқаро ва беморларни хавфсиз, юқори сифатли ва шу билан бирга, арзон дори воситалари билан таъминлаш каби жараёнларга тўғридан-тўғри боғлиқ. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг муҳим бир моддаси — 35-моддага зид равишда, баъзи ҳолларда очикчасига қонунбузарликка йўл қўйилгани ҳолда тизимдаги дорихоналар (шу жумладан, давлат тасарруфидagi дорихоналар)да ҳаттоки мураккаб дори препаратларининг рецептлар (дорикўзлар)сиз савдоси қилинаётганлиги жиддий муаммолардан бирига айланмоқда. Ёки чекка-чекка ҳудудларда ҳеч бир талабга жавоб бермайдиган кўчма дўконларда дори препаратларини худди озиқ-овқат маҳсулотлари каби савдо қилинаётганлиги ачинарлидир.

Мамлакатимизда фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга оид қатор қонунларни ишлаб чиқишга, соғлиқни сақлаш тизимига ҳайрихоҳ бўлган барча касб эгалари партиямизнинг мақсад ва вазифаларини ҳалқимиз орасида тарғибот-ташвиқот қилиш, электротатни ўйлангизаётган муаммоларни депутатларимизга ўз вақтида етказиш ва шу орқали сайловчиларнинг партиямизга бўлган эътибор ва ишончини мустаҳкамлаш йўлида фаоллик кўрсатишмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши ўз сафини фаол ва сиёсий билимдон ёшлар ва хотин-қизлар ҳисобидан кенгайтириб бориш, кадрлар сиёсий билимини мустаҳкамлаш, мамлакатни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларидан келиб

дан, шунингдек, тиббиёт амалиётидаги вазиятдан келиб чиқмоқда. Чунки аҳолини ёппасига соғломлаштириш юзасидан ижобий самараларга эришадиган бўлса-да, цивилизация ривожланиб бораётган ҳозирги замонда, афсуски, айрим унутилиб кетаётган ва миллат генофондига қатта путур етказиши мумкин бўлган (масалан, йод танқислиги оқибатида келиб чиқаётган, оғир турдаги гижжа касалликлари, тери касалликлари ва ҳокозолар) касалликлар нафақат катталар, балки ёшлар саломатлигига ҳам хавф солмоқда.

Сўнгги йилларда юртимиз аҳолиси саломатлиги кўрсаткичлари айрим касалликлар бўйича яхшиланган, оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари сезиларли даражада пасайган бўлса-да, репродуктив саломатлики муҳофаза қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ҳанузгача яратилмаганлиги, фуқароларда репродуктив саломатлики муҳофаза қилиш жараёнида тиббий савиянинг, ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслиги сезилиб қолмоқда. Шу боисдан болалар, ўсмир ёшлар ва туғиш ёшидаги аёллар ўртасида турли хил касалликлар кўрсаткичлари, жумладан, туғма ногиронлик, болаликдан ногиронлик, ирсий касалликлар, жинсий йўл билан юқадиган хавфли касалликлар, ОИФ-инфекциясини юқтирғанлик, тиббиётнинг, ҳашаниқлик ва алколизмга ружу қўйганлик, аёл

ҳамда эркаклар бепуштлиги ҳолатлари амалда учраб турибди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, тиббиёт соҳасининг моддий-техника базасини қанчалик қучайтирмайлик, у ҳамиша етарли эмасдек туюлаверади. Чунки соҳа фаолиятининг алоҳида хусусияти шундаки, тизимнинг моддий-техника базаси таъминоти фақат давлат зиммасига юкланмай, тиббиётга оид сўғуртавий муносабатларни қонуний ҳал этувчи ҳуқуқий ҳужжатни ҳам қабул қилиш наинки мамлакатимиз, балки тиббиёт тизимида ислохотлар самарадорлигини оширишга, белгиланган ҳажмдаги сифатли тиббий хизматни таъминлашга ва замон талабларига мос равишда юқори малакали тиббий кадрларни етиштиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида аҳолининг, сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси, талаб ва эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда, фуқаролар соғлиғини сақлаш борасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилган.

Жумладан, замон талабларига кўра, тиббий таълимга алоҳида эътиборни қаратиш, юқори малакали тиббий кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашда тараққий этган хорижий давлатлар тиббиётининг ижобий тажрибаларидан оқилона ҳамда кенг фойдаланишни йўлга қўйишга қиришилгани қувонарли ҳол. Соҳа мутахассисларини ҳудудий талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда аниқ ҳамда режалли асосда жой-joyига қўйиш, улар савияси ва малакасини юксак даражага кўтариш, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тиббий хизматни жаҳон андозаларига тенглаштириш ва истиқболда соҳанинг тиббий таълимга оид алоҳида тармоқ қонуни «Тиббий таълим тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш «Адолат» СДП дастуридан ўрин олган.

Жамиятни қонунлар бошқаради. Шу нуқтаи назардан, уларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш энг масъулиятли вазифалардандир. Зеро, ҳар бир қонуннинг амалиётда бажарилиши, шаксиз, давлат ва жамият равнақига хизмат қилади.

Зухра БОТИРОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси,
Тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Аёллар қаноти

Мамлакатимизда хотин-қизлар ўз имкониятларини тўлиқ намоён этишлари учун етарли шарт-шароит, кенг ижтимоий-маънавий муҳит яратилган. Ташкилотчилик, ишбилармонлик бобида юқори салоҳиятга эга бўлган минглаб хотин-қизлар давлат бошқаруви тизимида фаол иштирок этиб келишмоқда. Таъкидлаш жоизки, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш жараёнларида Ўзбекистон «Адолат» СДП «Аёллар қаноти»нинг ҳам хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Фидойи қатлам



Бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоларининг қарийб ярми хотин-қизлардан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда, партия хотин-қизлар масалаларини ўз фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бири, деб ҳисоблайди. Партиянинг «Аёллар қаноти» аёлларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига кенг жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини янада қучайтириш, оналик ва болаликни ҳимоялаш ҳамда бу борада хотин-қизларга тааллуқли қонунчиликни янада такомиллаштиришга ҳисса қўишни ўзининг устувор йўналишларидан бири, деб билади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Аёллар қаноти» томонидан жойларда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида она ва бола саломатлиги муҳофазаси ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш

борасида «Она ва бола соғлом бўлишининг зарур шартлари», «Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари», «Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришда аёлларнинг роли», «Соғлом оила қуриш омиллари», «Тиббий кўрик зарурати», «Оилани мустаҳкамлашда эрта ва яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг оқибатини олиш» каби мавзуларда қатор тадбирлар ташкил этилиб келинмоқда. Уларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш баробарида асосий урғу оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва унинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш каби йўналишларга қаратилди.

Айтиш керакки, ташкил этилаётган учрашувларда «Соғлом она — соғлом бола» дастурини амалга ошириб боришни таъминлаш, оналарнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини жадаллаштириш орқали соғлом авлодни шакллантириш чора-тадбирларини янада қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўз мухбиримиз

Ўз-ўзини танқид

Бугун сиёсий партиялар олдига қўйилаётган улкан вазифалар уларнинг ҳар бир бўғини фаолиятини янада жонлантириш, амалга оширилаётган демократик янгиланишларга ҳамоханг равишда сайловчилар ишончини оқлаш, янгидан-янги ғоя ва ташаббусларни илгари суришни талаб этмоқда. Зеро, сиёсий партиялар фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ҳалқни ўз дастурий ғоялари атрофида жипслаштирувчи даъваткор куч сифатида намоён бўлади.

Ана шундай юксак масъулиятни тўғри англаган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўзининг барча ҳудудий Кенгашлари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, учраётган камчиликларни таҳлил қилиш ва уни ўз вақтида бартараф этиш чораларини қўришга муҳим эътибор қаратмоқда.

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда 2 та шаҳар, 14 та туман партия Кен-

гашлари ўз атрофида 321 та бошланғич партия ташкилотини бирлаштирган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Партия аъзолари сафида 1400 га яқин фаол хотин-қизлар, 2500 дан зиёд 30 ёшга бўлган талабчан ёшлар ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида партия ролини қучайтиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги энг йирик бошланғич ташкилотларидан бири Қўнғирот сода заводининг ин-

Юксак эътибор ва талабчанлик

ҳар бир партия фаолидан талаб этилади

женер-техник ҳодимлари, шунингдек, тиббиёт бирлашмаларининг фаол шифокорлари, ўрта ва кичик бўғин тиббиёт ҳодимлари, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси фидойилари ҳамда талаба ёшлар, бир сўз билан айтганда, дастурий ғояларимизга ҳайрихоҳ бўлган барча касб эгалари партиямизнинг мақсад ва вазифаларини ҳалқимиз орасида тарғибот-ташвиқот қилиш, электротатни ўйлангизаётган муаммоларни депутатларимизга ўз вақтида етказиш ва шу орқали сайловчиларнинг партиямизга бўлган эътибор ва ишончини мустаҳкамлаш йўлида фаоллик кўрсатишмоқда.

Биргина Нукус шаҳар партия ташкилотининг маҳаллалар билан яқин ҳамкорлик ўрнатгани самараси ўларок, аҳолининг партиямизга ғояларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб, йил бошида ҳалқ депутатлари ҳудудий Кенгашларида бўшаган ўринларга бўлиб ўтган сайловларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесида 1 та, ҳалқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашида эса 3 та ўринга эга бўлганлиги ҳам дастурий ғояларимиз тарғиботи тўғри йўлга қўйилганлигидан далолатдир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашидаги қуйи бўғинлар ҳақида гап кетганда, бошланғич партия ташкилотлари раислари, фаолларининг билим ва тажрибасини ошириш, жорий этилган ҳар бир низом

чиқиш, кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда бу ишларни мунтазам давом эттиришга долзарб вазифа сифатида аҳамият қаратмоқда.

Аммо айрим туман ва шаҳар кенгашларидаги қуйи ташкилотлар ишларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилганидан бўлса, баъзи муаммо ва камчиликлар кўзга ташланади.

Хусусан, Тахтақўпир ва Беруний туман партия кенгашларида бошланғич партия ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа яхши йўлга қўйилмаганлиги партия ички интизомини мустаҳкамлашга салбий таъсир ўтказмоқда. Бу, ўз навбатида, аъзолик бадаллари тушуми ўз вақтида ва тўлиқ йилим таъминоти ҳам олиб келмоқда. Ушбу ҳудудий партия

ташкilotларида маҳаллий кенгаш депутатлари билан БПТ фаоллари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилмаганлиги натижасида жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг таъкидлаш жоиз. Бу борада, айниқса, партия юқори ташкилотлари томонидан ўтказилаётган сиёсий ўқишларнинг ўрни бекиёс бўлмоқда.

Аммо айрим туман ва шаҳар кенгашларидаги қуйи ташкилотлар ишларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилганидан бўлса, баъзи муаммо ва камчиликлар кўзга ташланади.

Хусусан, Тахтақўпир ва Беруний туман партия кенгашларида бошланғич партия ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа яхши йўлга қўйилмаганлиги партия ички интизомини мустаҳкамлашга салбий таъсир ўтказмоқда. Бу, ўз навбатида, аъзолик бадаллари тушуми ўз вақтида ва тўлиқ йилим таъминоти ҳам олиб келмоқда. Ушбу ҳудудий партия

ташкilotларида маҳаллий кенгаш депутатлари билан БПТ фаоллари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилмаганлиги натижасида жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг таъкидлаш жоиз. Бу борада, айниқса, партия юқори ташкилотлари томонидан ўтказилаётган сиёсий ўқишларнинг ўрни бекиёс бўлмоқда.

Аммо айрим туман ва шаҳар кенгашларидаги қуйи ташкилотлар ишларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилганидан бўлса, баъзи муаммо ва камчиликлар кўзга ташланади.

Хусусан, Тахтақўпир ва Беруний туман партия кенгашларида бошланғич партия ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа яхши йўлга қўйилмаганлиги партия ички интизомини мустаҳкамлашга салбий таъсир ўтказмоқда. Бу, ўз навбатида, аъзолик бадаллари тушуми ўз вақтида ва тўлиқ йилим таъминоти ҳам олиб келмоқда. Ушбу ҳудудий партия

ташкilotларида маҳаллий кенгаш депутатлари билан БПТ фаоллари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилмаганлиги натижасида жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг таъкидлаш жоиз. Бу борада, айниқса, партия юқори ташкилотлари томонидан ўтказилаётган сиёсий ўқишларнинг ўрни бекиёс бўлмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида сиёсий партиялар зиммасига қўйилган устувор вазифалар партиянинг ҳар бир бўғини раҳбарлари ва фаолларидан ўз ишига янада масъулият ҳамда талабчанлик билан ёндашишни тақозо этмоқда. Шундай экан юқоридаги каби камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш, уларни ўз вақтида бартараф этиш партиявий фаолият ривожига хизмат қилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати

Нигоҳ

Хорижий сармоялар иқтисодиётимиз тараққиётига хизмат қилмоқда

Концепция: устувор вазифалар

Глобаллашув жараёнида бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимиз учун хорижий сармоя иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири саналади. Ислохотлар изчил амалга оширилаётганлиги, имтиёз ва преференциялар тизими яратилганлиги туфайли кўплаб хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон бозорига эътибори кучаймоқда.

Республикамызга кейинги йилларда хорижий инвестицияларнинг кириб келиши натижасида кичик ва ўрта бизнес, хизмат кўрсатиш соҳалари, аҳоли бандлигини таъминлаш, экспортни ошириш, импортнинг камайишига, мулкчиликнинг барча соҳаларида ижобий натижаларга эришилганлигини қайд этиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, инвестиция — иқтисодий ҳаракатлантирувчи, уни олдинга етакловчи куч ҳисобланади. Том маънода айтганда, инвестиция — иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар ҳисобланади.

Инвестор эса, ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулквий бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига инвестициялашнинг амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари, тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасида Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тadbиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилиши таъкидланган.

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қўлай инвестициявий муҳит шакллантирилди. Тад-



биркорликка кенг йўл очиб бериш, айниқса, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар яратишни мамлакатимиз ўз олдидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олди.

Хусусан, сўнгги йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари асосида тadbиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди, уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини фақат солиқ идоралари текшириши мумкинлиги ва тadbиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар суд қарорига биноан қўлланилиши белгиланди, шунингдек, ҳисобот тақдим этишининг барча шакллари ва турлари, тadbиркорлар фаолиятига асоссиз аралашув ва текширишлар сони кескин қисқартирилди.

Шу нуктаи назардан, кунги кеча матбуотда эълон қилинган мамлакатимиз Президентининг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, бозор иқтисодиёти талабларига, ҳалқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, бюрократик говларни бартараф этишга, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан давлатизмнинг турли соҳаларида инвестициялар келишига кенг йўл очиб бериш, тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир мунча амалий ишлар олиб борилган.

Хусусан, Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Хитой "Bukhara brilliant Silk" қўшма корхонаси билан Пешку туманидаги "Рамзиддин Рамазон Асли" фермер ҳўжалиги ўртасида 2010 йил 16 декабрь кунги пилла хом-ашёсини етиштириш бўйича контрактация шартнома тузилиб, шартнома шарҳлари фермер ҳўжалиги томонидан бажарилмаганлиги сабабли 500.000 сўмлик асосий қарз ҳамда етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида яъни 283.050 сўм жарима ундириш бўйича даъво ариза билан ҳўжалик судига мурожаат қилинган. Ушбу даъво ариза суд томонидан қаноатлантирилди.

Шунингдек, "Bukhara brilliant Silk" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси билан Хитой Халқ Республикасининг "Xinjiang helil International Trade CoLtd" корхонаси ўртасида тузилган импорт контрактини рўйхатга қўйиш мажбуриятини юклаш тўғрисида Бухоро вилоят ҳўжалик судига даъво ариза қилинган бўлиб, ҳўжалик судининг 7 февраль, 2012 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар, яъни "Bukhara brilliant Silk" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилиб, АТ "Саноат-қурилишбанк" Бухоро вилоят филиалига томонлар ўртасида 12 январь, 2012 йилда тузилган 01-12-сонли импорт контрактини рўйхатга олиш мажбурияти юклатилган.

Демакки, соҳага оид қатор норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши тadbиркорларимизга кенг йўл очиб берилаётганлигини исботидир.

Тadbиркорлик субъектларига турли имкониятлар яратиши мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлайди ва халқимиз турмуш-тарзи фаровонлигини кафолатлайди.

Р.ДЖУРАЕВ,

Бухоро вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Адлия почтасидан

1991 йилда Ўзбекистон халқи давлат мустақиллигини қўлга киритди, бунинг тарихий аҳамияти, энг аввало шундаки, мустақиллик инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари ва давлат мустақиллиги принциплари асосида қатли эканлигини мустаҳкамлаб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни асосий вазифа сифатида белгиледи.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилиши-

Ушбу аризани ўрганиш давомида мурожаат муаллифининг турмуш ўртоғи Б.Яхёев 2011 йил, 9 июнда Касби туман ҳокимига тadbиркорлик билан шуғулланиш учун ер ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси Касби туман ҳокими биринчи ўринбосари З.Турсуновга юклатилганлиги ва ушбу мурожаат 8 ой муддатдан ортиқ вақтда, яъни ушбу ариза ҳудудий бўлим томонидан ўрганиш кунига қадар ўрганилмасдан қолиб кетганлиги, шунингдек, туман архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Ш.Шергазиев мурожаат муаллифининг мазкур масалада муқаддам ёзган аризаларида келтирилган важлар юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрмаганлиги аниқланган.

ни, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Ҳукумати қарорлари ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Адлия органларининг бевоқосита иштирокида инсон ҳуқуқларини, тadbиркорлар ва ҳусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилди.

Мансабдорга чора кўрилди

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бошқармаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлими томонидан давлат идораларида ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил ва мониторинг қилиш ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосли тақлифлар ишлаб чиқилмоқда, шунингдек — фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2012 йилнинг ўтган

ман ҳокимига тadbиркорлик билан шуғулланиш учун ер ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси Касби туман ҳокими биринчи ўринбосари З.Турсуновга юклатилганлиги ва ушбу мурожаат 8 ой муддатдан ортиқ вақтда яъни ушбу аризани ҳудудий бўлим томонидан ўрганиш кунига қадар ўрганилмасдан қолиб кетганлиги, шунингдек, туман архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Ш.Шергазиев мурожаат муаллифининг мазкур масалада муқаддам ёзган аризаларида келтирилган важлар юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрмаганлиги аниқланган.

Шу боисдан туман ҳокими биринчи ўринбосари З.Турсунов ва туман архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Ш.Шергазиевларнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида белгиланган ҳуқуқбузарлик мавжудлиги сабабли, Касби туман прокуратурасига маъмурий иш кўзгатиш тўғрисида тақлиф киритилди.

Бундан ташқари, Касби туман ҳокимлигига фуқаро Б.Яхёевнинг 2011 йил, 9 июнда ер ажратиш тўғрисидаги аризасини мурожаат муаллифи иштирокида мазмунан ўрганиб чиқиб тегшли чоралар белгилаш ва ариза муаллифига жавоб хати юборилишини алоҳида назоратга олишни таъминлаш тўғрисида Касби туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

Хулоса ўрнида шун таъкидлаш мумкинки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонунийлигини таъминлашда энг асосий талаб улар томонидан қилинган мурожаатларни ўз вақтида ва мазмунан кўриб чиқилишидир. Чунки фуқаролар мурожаатларни кўриб чиқилишининг қонунийлиги таъминланганлиги давлат хизматчиларига нисбатан ишонч вужудга келишининг муҳим омили ҳисобланади.

Илёс ЭГАМБЕРДИЕВ,

Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бошқармасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими масъул ходими

Ўзи бошқа, сўзи бошқа

ХДПчиларнинг сиёсий қарашлари

Партиялараро мунозара

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз дастури доирасида амалга ошираётган самарали фаолияти замирида халқимиз орзу-умидлари, хоши-истаклари мужассамлиги билан ҳам аҳамиятли. Қолаверса, социал- демократия ғоялари одамлар ўй-қарашларига тўла мос. Ўз дастурида белгиланган вазифалар ижроси йўлида тинимсиз изланишлар олиб бораётган, ижросини таъминлашга интилаётган ва бу борада ижобий натижаларга эришаётган сиёсий куч, шубҳасиз, «Адолат» СДП эканини сайловчилар фикридан ҳам билиш мумкин.

Бунга бир мисол. Партия-миз, айниқса, гендер йўналишидаги муаммоларни ҳал этиш, хотин-қизларни иш билан таъминлашда касаначиликни ривожлантириш, қолаверса, аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби қатор йўналишларда бошқа сиёсий партияларга нисбатан кенг қўламли ва салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бинобарин, сайловолди дастурида алоҳида қайд этилганидек, «Адолат» социал-демократик партияси хотин-қиз-

ларга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш тарафдори. Биз учун хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга бўлган аёлларга кенг имкониятлар яратиш ниятда муҳимдир. Бу, ўз навбатида, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли

фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бироқ ана шундай бир пайтда «Ўзбекистон овози» газетасида «Партиялараро баҳс» рунки остида 17 июль кунги чоп этилган мақола кишини таажублантиради. «Номи бор-у, ўзи йўқ бўлган...» сарлавҳали ушбу мақолада «Адолат» СДП гўё аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар масаласига эътибор қаратмаётганлиги зўр бериб даъво қилинади.

Бу ҳам майли, айнан «Адолат»чилар томонидан амалга оширилиб келинаётган ташаббусларни йўққа чиқаришга уринишлар эса сайловчиларни чалғитишдан бошқа нарса эмас.

Аслида партиялараро рақобатнинг партия нашрларида акс этиши жамиятда сиёсий маданият ошишига, тафаккур ривожланишига, одамларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалишига хизмат қилиши керак. Афсуски, бу оддий тушунчани ХДПчилар ҳамон англаб етишолмаяпти. «Йўқдан кўра бор» қабилида бефойда, ўринсиз тортишувлари, ёлгон маълумотлари билан «дахана-ки жант»га ўтиб олишди.

«Номи бор-у, ўзи йўқ бўлган» мақоласида тирноқ

орасидан кир қидириш қабилида шундай дейилади: «Ўзбекистон «Адолат» СДП Оқдарё туман Кенгаши Аёллар қаноти раиси Н. Нурматова тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ўтказилган танловда иштирок этиб, грант соҳиби бўлган. Шу ўринда бир ўйлаб кўрайлик, тadbиркор аёл грант ютиб олган бўлса, бунинг «адолат»чиларга нима дахли бор?» деган савол қўяди. Биринчидан, «Фонд Форум» ҳамда ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ташкил этилган Ўзбекистон минтақавий ННТларни ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш грант Дастурида иштирок этиб, махсус грант соҳиби бўлганлигимда айнан «Адолат» СДПнинг ҳиссаси катта. Бу партияимиз сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажариш имкониятини кенгайтди.

Қолаверса, туман партия кенгаши Аёллар қаноти партия сайловолди дастури ижросини таъминлашга ҳам масъул эмасми? Ёки «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ҳудуддаги кам таъминланган оилаларда истикомат қилувчи хотин-қизларнинг хунар ўрганиши, кейинчалик касаначилик билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган тadbирлар ХДПчиларга нега ёқмаяпти?

Оқдарё тумани кенгаши Аёллар қаноти раиси Норбуви Нурматовадан эшитинг:

— Мақола муаллифи билибми, билмайми «...тadbиркор аёл грант ютиб олган бўлса бунинг «адолат»чиларга нима дахли бор?» деган савол қўяди. Биринчидан, «Фонд Форум» ҳамда ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ташкил этилган Ўзбекистон минтақавий ННТларни ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш грант Дастурида иштирок этиб, махсус грант соҳиби бўлганлигимда айнан «Адолат» СДПнинг ҳиссаси катта. Бу партияимиз сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажариш имкониятини кенгайтди. Қолаверса, туман партия кенгаши Аёллар қаноти партия сайловолди дастури ижросини таъминлашга ҳам масъул эмасми? Ёки «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ҳудуддаги кам таъминланган оилаларда истикомат қилувчи хотин-қизларнинг хунар ўрганиши, кейинчалик касаначилик билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган тadbирлар ХДПчиларга нега ёқмаяпти?

Дарҳақиқат, бу саволга жавоб бериш мушкул. Қачонгача ХДП ўзга партиялар фаолиятига қора кўзойнак ортидан туриб баҳо беради?

— Тикувчилик цехидаги жамоамиз ўндан ортиқ хотин-қизлардан таркиб топган, — дея изох бериб ўтди партия-миз фаоли. — Бу ерда «Адолат» СДП Оқдарё тумани кенгашининг бошлангич партия ташкилоти ҳам тузилган. Цехимизда ташкил этилган ўқув курсида ҳар 2 ойда 6 нафардан 18 нафаргача хотин-қизлар бичиш-тикиш сирларини ўрганиб чиқишмоқда. Айни вақтда кам даромадли оила вакилларидан 15 нафар аёллар бепул хунар ўрганишмоқда. Бу лойиҳа айнан қуйи ташкилот фаоллари ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

— «Адолат» СДП фаоллари маҳалламизда ўтказган бир тadbирда тикиш-бичиш сирларини кам даромадли оила вакилларига текин ўргатиш йўлга қўйилганини айтишди, — дейди Манзура Зияева. — Хунар ўрганиш мақсадида мен ҳам тўгаракка ёзилгандим. Ҳозирда анча-мунча хунар сирасорларини ўргандим. Курс тугагач, мустақил равишда ўз касаначилигини йўлга қўйиш

ниятидаман.

Шу ўринда бир савол туғилади. ХДПчиларнинг ўзлари дастур ижроси йўлида қандай амалий ишларини кўрсата олдилар? Ёки уларнинг муҳолиф партия экани нега АМАЛДА намоён бўлмаяпти? Мамлакатда иқтисодиётни либераллаштириш, мулкни ҳусусийлаштириш жараёни давом этаётган бир пайтда ЎзХДПнинг бу борадаги жиҳдий позицияси амалда кўринаётганими? Бу саволлар олдида улар лом-лим дейишмайди. Айни вақтда эса ўз сиёсий рақиби деб биладиган О'ЗИДЕР позициясидан бориб, иқтисодий форумларга зўр бериши эса ХДПнинг тобора ўз сиёсий қарашларидан чекинаётганини кўрсатади, холос.

Дарвоқе, Ўзбекистон «Адолат» СДП соғлом, ҳолис танкид тарафдори. Шу сабабли партия танкид — танкид учун тамойилини рад этади. «Номи бор-у, ўзи йўқ» сингари пуфлаб шиширилган, гўё ўнг қулоқни чап қўл билан қашигандек... сунъий танкидий мақолалар эса умумий ишчимизга фойда эмас, зарар келтиради, холос.

Фарҳод ЭСОНОВ

Яна бир бор Роғун ГЭСи қурилиши ҳақида

Сўнги бир неча йил давомида кенг халқаро жамоатчилик, нуфузли экологик ташкилотлар вакиллари, кўпчилик мамлакатларнинг сув ҳўжалиги қурилиши соҳасида тадқиқотлар билан шуғулланадиган илмий-тадқиқот марказлари мутахассисларининг эътибори Тожикистоннинг Амударёнинг юқори қисмида қуввати 3600 МВтга тенг Роғун ГЭСи иншоотлари комплексини қуриш лойиҳасини қайта жонлантиришга доир қайсарона хатти-ҳаракатлари муҳокамасига қаратилмоқда.

Аввал бир неча марта таъкидланганидек, Роғун ГЭСини қуриш лойиҳаси кенг кўламли жиддий технология, ижтимоий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий таҳдид ҳамда хавфларни келтириб чиқаради. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши нуфузли халқаро ташкилотлар ва мутахассислар, шунингдек, Амударёнинг кўйи оқимида жойлашган мамлакатларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, совет даври мутахассислари Роғун ГЭСини лойиҳалаштириш давридаёқ ҳал этилмай қолган қатор муаммолар масалалар юзасидан зарур техник ечимларни топа олмаган эдилар. Жумладан, катта миқдордаги сувнинг тўғон остида қоладиган йирик туз қатламига (қалинлиги 100 метрдан зиёд) муқаррар сингиши (фильтрация) ва унинг мазкур қатламга таъсирини бартараф этиш чоралари ҳал этилмаган, шунингдек, қурилиш олиб борилаётган ҳудуддаги тоғ жинслари массасининг тез-тез тақдорланиб турадиган хавфли силжилари ҳисобга олинмаган. Ўтган вақт мобайнида ушбу муаммолар янада мураккаблашди. 1993 йилда Роғун ГЭСидagi вақтинчалик кўтарма тўғонда содир бўлган авария ва мазкур иншоотларнинг бутунлай вайрон бўлиши, шунингдек, кейинчалик юз берган бошқа бир қатор авариялар ҳам бунни тасдиқлайди.

Сўнги ўн йилда йирик ГЭСлар барпо этган қурувчилар (Хитой Халқ Республикасидаги “Уч дара”, Россия Федерациясидаги Саяно-Шушенск ва Богучанск ГЭСлари, Жанубий Америкадаги йирик ГЭСлар ва бошқалар) тўқнаш келган кенг кўламли муаммо ва ҳалокатлар бугунги кунда бундай гидроиншоотларга қўйилаётган стандарт ҳамда талаблар мутлақо ўзгаргани, бунинг натижасида кўп ҳолларда бундай иншоотларни қуриш масаласини қайта кўриб чиқиш, тўхтатиш ва хаттоки улардан воз кечишга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, совет даври мутахассислари Роғун ГЭСини лойиҳалаштириш давридаёқ ҳал этилмай қолган қатор муаммолар масалалар юзасидан зарур техник ечимларни топа олмаган эдилар. Жумладан, катта миқдордаги сувнинг тўғон остида қоладиган йирик туз қатламига (қалинлиги 100 метрдан зиёд) муқаррар сингиши (фильтрация) ва унинг мазкур қатламга таъсирини бартараф этиш чоралари ҳал этилмаган, шунингдек, қурилиш олиб борилаётган ҳудуддаги тоғ жинслари массасининг тез-тез тақдорланиб турадиган хавфли силжилари ҳисобга олинмаган. Ўтган вақт мобайнида ушбу муаммолар янада мураккаблашди. 1993 йилда Роғун ГЭСидagi вақтинчалик кўтарма тўғонда содир бўлган авария ва мазкур иншоотларнинг бутунлай вайрон бўлиши, шунингдек, кейинчалик юз берган бошқа бир қатор авариялар ҳам бунни тасдиқлайди.

Аввал бир неча марта таъкидланганидек, Роғун ГЭСини қуриш лойиҳаси кенг кўламли жиддий технология, ижтимоий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий таҳдид ҳамда хавфларни келтириб чиқаради. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши нуфузли халқаро ташкилотлар ва мутахассислар, шунингдек, Амударёнинг кўйи оқимида жойлашган мамлакатларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу, аввало, қуйидаги асосий омиллар билан боғлиқ. Биринчи навбатда, Роғун ГЭСи қурилишининг ҳар жиҳатдан хавфсиз гидроиншоотлар қурилишини таъминлаш бўйича ҳозирги замон талабларига мутлақо мос келмайдиган эски стандартлар, қурилиш норма ва қоидалари бўйича 35-40 йил муқаддам, совет даврига хос гигантоманияга интилишга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган техник-лойиҳа ечимларининг бугунги талабларга мутлақо жавоб бермаслиги билан изоҳланади. Бунинг нуфузли мутахассислар ва экспертлар ҳам бир неча бор таъкидлаган.

Сўнги ўн йилда йирик ГЭСлар барпо этган қурувчилар (Хитой Халқ Республикасидаги “Уч дара”, Россия Федерациясидаги Саяно-Шушенск ва Богучанск ГЭСлари, Жанубий Америкадаги йирик ГЭСлар ва бошқалар)

тўқнаш келган кенг кўламли муаммо ва ҳалокатлар бугунги кунда бундай гидроиншоотларга қўйилаётган стандарт ҳамда талаблар мутлақо ўзгаргани, бунинг натижасида кўп ҳолларда бундай иншоотларни қуриш масаласини қайта кўриб чиқиш, тўхтатиш ва, хаттоки, улардан воз кечишга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, совет даври мутахассислари Роғун ГЭСини лойиҳалаштириш давридаёқ ҳал этилмай қолган қатор муаммолар масалалар юзасидан зарур техник ечимларни топа олмаган эдилар. Жумладан, катта миқдордаги сувнинг тўғон остида қоладиган йирик туз қатламига (қалинлиги 100 метрдан зиёд) муқаррар сингиши (фильтрация) ва унинг мазкур қатламга таъсирини бартараф этиш чоралари ҳал этилмаган, шунингдек, қурилиш олиб борилаётган ҳудуддаги тоғ жинслари массасининг тез-тез тақдорланиб турадиган хавфли силжилари ҳисобга олинмаган. Ўтган вақт мобайнида ушбу муаммолар янада мураккаблашди. 1993 йилда Роғун ГЭСидagi вақтинчалик кўтарма тўғонда содир бўлган авария ва мазкур иншоотларнинг бутунлай вайрон бўлиши, шунингдек, кейинчалик юз берган бошқа бир қатор авариялар ҳам бунни тасдиқлайди.

Иккинчидан, лойиҳада жаҳон амалиётида мисли кўрилмаган, баландлиги 335 метрлик тўғонни барпо этиш кўзда тутилган. Иншоотни бир неча марта Рихтер шкаласи бўйича 9-10 баллни ташкил қилган зилзилалар содир бўлган тоғли жойда қуриш тақлиф этилмоқда.

Роғун ГЭСи қурилиши олиб борилаётган майдон Жанубий Тянь-Шань ва Ҳисор-Қоқшол минтақавий ёриги тизимининг бир қисми ҳисобланган Вахш тектоник ёриғидagi нисбатан янги пайдо бўлган тоғ массивлари яқинида жойлашган. Ушбу зоналар Марказий Осиёдаги энг фаол сейсмик ҳудудлар бўлиб, у ерда 10 баллгача бўлган зилзилалар мунтазам тақдорланиб туради. Тожикистонда ўтган асрнинг биринчи ярмида рўй берган бундай зилзилалар 100 мингдан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Мисол учун, 1911 йилда содир бўлган ер силкинишини эсга олайлик. Ушанда 9 баллдан ортиқ зилзила Усой уюми ва 20 миллилард куб метр сув сигимига эга Сарез кўлининг ҳосил бўлишига олиб келди.

Айни пайтда ушбу ҳудудларда сейсмик фаоллик даражаси янада ошмоқда. АҚШ геология хизматининг маълумотларига кўра, Роғун ГЭСи қурилаётган майдон жойлашган Помир-Ҳиндикуш тоғ тизмасида бугунги кунда ҳафтасига саккиз мартагача зилзила қайд этилмоқда. Тожикистонда ўртача ҳар тўрт йилда қучли, ҳар 10-15 йилда эса ҳалокатли зилзилалар рўй бермоқда. Кўплаб экспертлар маълумотларни таҳлил қилиш асосида кейинги 10 йил мобайнида ушбу тоғ массивида қучли ҳалокатли зилзилалар юз беришини тахмин қилмоқда. Бунинг шу жумладан, тожикистонлик сейсмолог олимларнинг тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди.

Айни пайтда, бундай катта дамбани қуриш учун 80 миллион куб метр тупроқни қўчириш ва ётқизиш ишларини бажариш талаб этилади. Бунинг натижасида сув омборида 14 миллилард тонна сув тўпланади ва тоғ массивига қўшимча босим ҳосил қилади. Бу эса, шубҳасиз, минтақанинг сейсмик жиҳатдан заифлигини оширади ва шуни ишон билан айтиш мумкинки, Роғун ГЭСи қурилиши натижасида ушбу ҳудудда зилзилалар тақдорланиши янада кучаяди.

Зилзила ёки техноген омиллар натижасида бундай тўғоннинг бузилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Олимлар ва муҳандисларнинг фикрича, бундай ҳолда сув омборида тўпланган 14 куб километр сув ҳосил қиладиган қучли динамика

босим катта (соатига қарийб 500 километр) тезлик билан Вахш дарёси оқими бўйлаб қўйига 100 метр баландликдаги шиддатли тўлқиннинг, таъбир жоиз бўлса, “ясама цунами”нинг юзага келишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида Нурек ГЭСи тўғони, Вахш каскадидаги бошқа барча ГЭСлар ва гидроузеллар бутунлай вайрон бўлади, Нурек, Сарбон, Қўргонтепа ҳамда Румий шаҳарлари бутунлай сув остида қолади. Боз устига, ушбу тўлқин ҳалокатли ҳаракатини давом эттириб, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркменистондаги бошқа ўнлаб шаҳарлар ва қишлоқларни сулуриб кетади ва сувга гарк қилади, мислсиз фожияли оқибатларни юзага келтиради, юз минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлади.

Учинчидан, Роғун ГЭСи лойиҳаси Марказий Осиё мамлакатлари атроф-муҳити ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларига узок йиллар ўнглаб бўлмайдиган даражада катта хавф солади.

Катта гидроиншоот қурилиши минтақадаги заиф экологик мувозанатга путур етказиши, сув ҳўжалиги ва экологик вазиятга ҳалокатли таъсир кўрсатади. 14 куб километр ҳажмдаги сув резервуарини ҳосил қилиш камида 8-10 йил давомида Вахш дарёси оқимини кескин чеклашни талаб қилади. Бу эса минтақада сув оқимида кўп йиллар самарали фойдаланиш ва уни бошқариш жараёнини бутунлай издан чиқаради, ҳатто, шусиз ҳам танқислиги ортиб бораётган сув ресурсларининг ҳалокатли даражада қамайиб кетишига олиб келади.

Станциянинг барпо этилиши оқибатида табиий сув оқими тизими бутунлай издан чиқиб, вегетация мавсумида сув ҳажми кескин қаммади, қуз-қиш даврида эса уни ўтказиш ҳажми ва сарфи ошади. Бу Амударё кўйи оқимида жойлашган мамлакатларда ёзда сувнинг кескин қамайишига, қучли қуроқчиликка, шунингдек, қишда ҳалокатли тошқинларга сабаб бўлади.

Амударё оқими гидрологик режимининг ўзгариши натижасида ўзлардаги йўқотишлар ҳам ортади. Ҳозир ҳам сув тақчил мавсумларда бундай йўқотишлар 15 фоизгача етмоқда. Гидрологик режимнинг ўзгариши оқибатида Амударё кўйи қисмидаги кўллар ва ветландларнинг қуриш жараёни бир неча марта тезлашади, янги шўрхок ва тақир ерлар пайдо бўлади. Оқибатда у қишлоқ ҳўжалик екинлари етиштириладиган майдонларни туз бўронлари билан зарарлайдиган аёвсиз манбага айланади, тупроқ унумдорлиги ҳамда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади. Бунинг оқибатида дунё миқёсидаги экологик муаммо ҳисобланган Орол денгизи ҳалокати янада мураккаблашади.

Шу тариқа, Ўзбекистон ва Туркменистон ишлаб чиқаришининг иқтисодий асоси бузилади ҳамда ушбу мамлакатларнинг Амударё кўйи оқимларидаги воҳаларда яшаётган 10 миллиондан ортиқ аҳолиси турмуш тарзи батамом издан чиқади, одамлар қуроқчилик ва очликка маҳкум бўлиб, алаф оқибат бошқа жойларга қўчишга мажбур бўлади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида Амударё кўйи қисмида жойлашган мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистоннинг бевосита иқтисодий йўқотишлари 20 миллиард доллардан ошади. Бу зарарни қоплаш ҳеч қандай зиммасига олмоқчи эмас. Ўрнича ҳеч нарсга билан тўлдириб бўлмайдиган сув ресурслари тақчиллиги шароитида миллионлаб одамларнинг мажбур қўчиши билан боғлиқ кўплаб қўшимча иқтисодий ва ижтимоий муаммолар пайдо бўлади, минтақада ижтимоий беқарорлик кескинлашади.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши оқибатида юзага келадиган иқтисодий зарарни ҳисоблаб чиқиш мушкул, қолаверса, миллионлаб одамлар чекадиган азоб-уқубат ва бахтсизлик қўлимни қайси валюта ва қандай рақамлар билан ўлчаб бўлади? Турган гапки, бундай тўғоннинг қурилиши нафақат техник стандартлар ва иқтисодий мантқиққа, балки соғлом ақлга ҳам зиддир.

Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида юзага келадиган айнан мана шу таҳдидлар халқаро жамоатчилиқни, БМТ, Катта тўғонлар бўйича халқаро комиссия, Бутунжаҳон сув кенгаши, Халқаро табиатни муҳофиза қилиш иттифоқи каби кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар, Европарламент, АҚШ, Бельгия ҳамда бошқа давлатлар парламентлари аъзолари, Япония, АҚШ, Голландия, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар илмий-тадқиқот марказларини ҳақли равишда таш-

вишга солмоқда. Сўнги бир неча йил мобайнида турли даражада БМТнинг нуфузли тузилмаларида, халқаро илмий-амалий форумлар ва конференцияларда мазкур лойиҳа билан боғлиқ муаммоларнинг кенг кўламли муҳокама этилиши натижасида халқаро ҳамжамиятда ушбу лойиҳани чуқур, синчковлик билан ҳолис мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги тўғрисида принципиал позиция шаклланди.

Таъкидлаш лозимки, мустақил экспертларнинг фикр-мулоҳазалари трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш соҳасида қабул қилинган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келади. Бу масалалар бўйича БМТнинг қатор конвенциялари (1992 йил 18 сентябрда қабул қилинган Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция, 1997 йил 21 майда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция) қабул қилинган. Мазкур халқаро ҳужжатларда амалга оширилиши трансчегаравий таъсир билан боғлиқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинишиндан олдин трансчегаравий сув объектлари ҳудудда жойлашган барча томонлар манфаатларини албатта ҳисобга олиш зарурлиги ҳақидаги талаблар қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, 1997 йилда қучга кирган Трансчегаравий нуктаи назардан атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш тўғрисидаги конвенцияда бундай объектлар қурилишининг экологик оқибатларини тўлиқ ҳисобга олиш ва манфаатдор барча томонларни жалб этган ҳолда, таъсирини ҳар тарафлама баҳолаш кўзда тутилган.

Жаҳон банки ушбу халқаро ташкилотлар ва тузилмалар фикрларини эътиборга олиб, ва халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан ҳолда, 2010 йилда Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини халқаро мустақил экспертизадан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди ҳамда уни амалга ошириш учун 20 миллион доллар ажратди. Европанинг Франция, Швейцария ва бошқа мамлакатларидан қатор фирмалар ушбу лойиҳани амалга оширмоқда ҳамда экспертизани 2013 йилнинг биринчи чорағида якунлаши кутилмоқда.

Ўз навбатида, Тожикистон ҳукумати 2010 йилда мазкур лойиҳа амалга оширилиши оқибатларини мустақил техник-иқтисодий ҳамда ижтимоий-экологик баҳолаш ишлари якунланмагунча ГЭС ҳудудида қурилиш ишларини олиб бормаслик мажбуриятини ўз зиммасига олган. Айни пайтда, Тожикистон Халқаро валюта ҳамжармасининг Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини молиялаштириш учун мамлакат аҳолисидан мажбурий равишда пул йиғиш кампаниясини тўхтатиш талабини қабул қилган.

Бирок, минг афсуски, бугунги кунда Тожикистон томони Жаҳон банки ва Халқаро валюта ҳамжармаси олдидagi мажбуриятлари билан ҳисоблашмай, Роғун ГЭСидa қурилиш ишларини олиб бормаслик тўғрисида эришилган келишувларни ўзбошимчилик билан қўпол равишда бузиб, “ҳавойи ғоя”ларини эўр бериб амалга оширишга ҳаракат қилаётганини таъкидлашга тўғри келади.

Кўплаб фактлар Тожикистон халқаро ҳамжамиятдан пинҳон тутган ҳолда, станция ҳудудида ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган кенг кўламли қурилиш ишларини ёпиқ режимда давом эттираётганидан далолат беради. Айни пайтда станция майдонида, сув ташлайдиган тунеллар қурилишида, машина залли, қарерлар ва станциянинг бошқа объектларида катта ҳажмдаги қурилиш ишларини олиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда, Тожикистон ҳукумат тузилмалари томонидан Роғун ГЭСи иншоотларини лойиҳалаштириш ишларига ҳорижий (Россия, Украина ва бошқа мамлакатлардан) пудрат ташкилотлари фаол жалб этилмоқда. Бир пайтнинг ўзида Тожикистон томони станциянинг биринчи навбатини ишга тушириш учун зарур бўладиган ускуналар, бугунчи буюмлар ва материалларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузмоқда. Жумладан, биринчи энергия блоки учун сотиб олинган, тайёрланган ускуналар аллақачон станция майдонида келтириб қўйилган,

иккинчи энергия блокнинг ускуналарини тайёрлаш якунланмоқда ва уларни келтириш чоралари кўрилмоқда.

Кейинги бир неча йил давомида Тожикистон катта миқдорда бюджет маблағларини ажратиш (ҳар йили 200 миллион доллардан зиёд) билан бир қаторда, Халқаро валюта ҳамжармаси олдидagi мажбуриятларини бузиб, аксарият Тожикистон фуқароларининг молиявий аҳоли оғирлигига қарамай, сўнги пайтда Роғун ГЭСи акцияларини аҳолига мажбурлаб сотиш ишларини яна фаоллаштириди.

Ушбу барча хатти-ҳаракатлар яқинда “Ким Роғун лойиҳасига қарши бўлса — тожик халқининг душманидир” деб баёнот берган Тожикистон раҳбариятининг қучли таъйиқи остида амалга оширилмоқда.

Табиий савол туғилади: Тожикистон Роғун ГЭСи комплексини қуриш борасида амалга ошираётган бундай ҳаракатлардан қандай мақсадни кўзлайтири, нима учун кўплаб ҳақли эътирозларни назар-писанд қилмай, халқаро ҳуқуқ нормаларини қўпол равишда бузган ҳолда, станциянинг биринчи навбати қурилишини шошилинч якунлашга уринмоқда?

Жавоб аниқ — Тожикистон раҳбариятининг бундан қўзлаган мақсади станциянинг биринчи навбати қурилишини якунлаш ва шу тариқа Жаҳон банки ҳамда бутун халқаро ҳамжамиятни илжисиз аҳволда қолдириб, экспертлар ҳамжамияти ва халқаро тузилмалар кескин қарши чиқаётган мазкур лойиҳани “қонунийлаштириш”дан иборатдир.

Ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш, қалғитиш, амалга оширилаётган ишларни жаҳон жамоатчилигидан бекитиш йўли билан Тожикистон томони вақтдан ютишга ва бошланган ишларни тўғри якунига етказиш орқали халқаро экспертларни Роғун ГЭСи қурилиши билан ноилоҳлиқдан мурося қилишга мажбурламоқчи.

Шу билан бир пайтда Тожикистон томони ўз назорати остидаги оммавий ахборот воситалари ва “ёлланма экспертлар” ёрдамида мамлакат аҳолисини Роғун ГЭСи қурилишининг муқобили йўқлигига ишонтириш мақсадида реал фактлар, халқаро экспертларнинг қўплад далил-исботларини бутунлай бузиб кўрсатиб, рақамлардан ўз хийла-найранглари асослашда фойдаланган ҳолда масъулиятсизлик билан ташвиқот олиб боришга уринмоқда.

Улар бу билан ушбу лойиҳа келтириб чиқарадиган ҳалокатли таҳдид ва хавф-хатарлар билан ҳисоблашмай, ўз мақсадлари йўлида ҳақиқий аҳолини бузиб кўрсатиб, мумкин ва мумкин бўлмаган барча воситаларни ишга солган ҳолда Роғун ГЭСини қуришга ҳаракат қилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, кўпчилик халқаро экспертлар ва Тожикистон қўшнни — Амударёнинг қўйи оқимида жойлашган мамлакатлар Тожикистонни кам маблағ сарфлаган ҳолда, қисқа муддат ичида электр энергияси билан ишончи таъминлаш муаммосини ҳал этишга ёрдам берадиган, Тожикистон учун ҳам, унга қўшнни давлатлар учун ҳам техноген, экологик ва ижтимоий-иқтисодий ҳусусиятга эга катта хавфларни келтириб чиқармайдиган оқилона, муқобил йўлни — қатор кичик ГЭСлар қуриш тақлифини билдирмоқда. Зеро, ушбу муқобил вариантни кўриб чиқиш Жаҳон банки томонидан амалга оширилаётган ишларнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Юқорида баён этилган фикрлардан қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, Тожикистон томони халқаро экспертлар ва мутахассисларнинг қўплад огоҳлантиришлари ҳамда тавсияларига бепасандлик билан қараб, Жаҳон банки томонидан ўтказилаётган халқаро экспертиза якунига етмай туриб, барча қурилиш ишларини тўхтатиб туриш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни қўпол равишда бузган ҳолда Роғун ГЭСи қурилишини давом эттиришнинг олдиндан айтиб ва кейинчалик ўнглаб бўлмайдиган ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Табиийки, бунинг инобатта олмаслик мумкин эмас.

Сўранг, жавоб берамиз

Қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Бошқа давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролар бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун руҳсатнома олиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

И.АБДУЛЛАЕВ
Тошкент шаҳри

Бу тоифадаги шахслар доимий яшашга руҳсатнома олиш учун туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга киши-келиш ва фуқароларнинг расмийлаштириш бўлимига мурожаат қиладиган ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича 2 нускада ариза-анкета;

хорижий фуқаронинг паспортини ёки фуқаролиги бўлмаган шахсининг ҳаракатлиги ҳужжати; уй-жой мулкдори (мулкдорларининг турар-жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси, шунингдек, уй-жой учун ҳужжатлар нусхалари; никоҳ тузилганлиги ёки бола-ти туғилганлиги тўғрисида ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

ҳужжатларнинг қўриб чиқилганлиги ва расмийлаштирилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда йили туманнинг тўғрисидаги қиёнатчи;

35х45 мм ўлчамли иккита фотосурат.

Донохон ИШАНОВА,
Шайхонтоҳур тумани ДНИ
катта нотариуси,
Муқаддас АБДУҚОДИРОВА,
нотариус

Далолатнома ёзувларини тиклашнинг ҳуқуқий аҳамияти

Мен Андижон вилоятида туғилганман, ҳозирда Тошкент шаҳри, Чиланзор туманида яшайман. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли туғилганлигим қайид этилган ФХДЕ бўлимига мурожаат этиганимда туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларининг иккада нусхаси ҳам сақланмаганини ҳақида маълумотнома беришди. Далолатнома ёзувини тиклаш учун яшаш жойимдаги ФХДЕ бўлимига мурожаат этишим кераклиги тушунирилди. Шу тўғрисида?

Н.ҚОДИРОВА
Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 230-моддасига мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини тиклаш деғанда илгари шундай ёзув бўлганлигини тасдиқловчи етарли асослар бўлганида йўқолган ёзувларни қайта тиклаб қўйиш тушунилади.

Сизнинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг иккада нусхаси сақланмаган тақдирда (йўқолган, ёниб кетган ёки бошқа бошқариб бўлмайдиган ҳодисалар сабабли) Андижон вилояти ФХДЕ бўлимлари архивдан далолатнома ёзуви сақланмаганини ҳақида маълумотнома бериладди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 233-моддасига мувофиқ ушбу маълумотнома билан доимий яшаб турган ҳудудингиздаги ФХДЕ бўлимига далолатнома ёзувини тиклаш учун мурожаат этиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.1999 йилдаги №171-сонли Қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайид этиш Қоидалари”нинг 141-бандига асосан туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклаш учун ФХДЕ органига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— далолатнома ёзувини тиклаш тўғрисидаги белгиланган шаклдаги ариза;

— шаҳар, вилоят, республика ФХДЕ архивининг ариза беришнинг туғилган жойи бўйича далолатнома ёзувининг йўқлиги ҳақидаги маълумотномаси;

— ота-онанинг паспортлари нусхалари;

— агар ота-онаси вафот этган бўлса, уларнинг ўлими ҳақидаги далолатнома ёзувларининг нусхалари;

— никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома (ота-онанинг ва ўзининг) ёзуви нусхаси;

— аризачининг илтимосини асословчи бошқа ҳужжатлар.

М.ТЎЛЕБЕВА,
Андижон вилояти, Андижон тумани ФХДЕ бўлими мудираси

Сўнгги саҳифа


Давом. Боши 1-бетда

Чунки маънавияти юксак одам ўз манфаатини ҳеч қачон жамият манфаатидан устун қўймайди. Ўзи билан бир маҳаллада, бир жамиятда яшаётган, меҳнат қилаётган турли миллат вакиллари, турлича эътиқод эгаларига нисбатан тоқатли бўлади, ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Бундай тотувлик, аҳил-иноқлик жамият тараққиёти ва буюк келажагининг муҳим устунларидан бири ҳисобланади.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларида собиқ иттифок марказидан туриб, ўзлигига қайтаётган, ижтимоий-сиёсий тараққиётда ўзларига хос ва мос йўл танлаётган миллий республикалар шаънига кўп номақбул гаплар айтилди. Собиқ тузумни кўмсовчилар, унинг гайриинсоний мафкура-си руҳида тарбия топганлар, эндиликда эса қатор-қатор имтиёзлардан маҳрум бўлган аламаздадалар мустақиллик эълон қилган республикалар, жумладан, Ўзбекистон марказининг ёрдамсиз ўзоққа бора олмаслигини, маърифий, илмий-техникавий дунёдан ўзилиб, миллий маҳдудликка берилишини писанда қила бошлашди. Не бахти, давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилган халқчил, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган ички ва ташқи сиёсат бундай башоратларнинг тамомила пуч, хомхаёллигини кўрсатиб берди. Бундай асоссиз қарашларга тамомила тескари бир ҳақиқат юзага чиқди — Ўзбекистон жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгидеги тараққиётнинг эркин, очиқ ва демократик йўлини танлади, дунё мамлакатлари билан миллий тараққиёт манфаатларига мос равишда ҳамкорлик қила бошлади. Мамлакатимиз эшиклари соғлом фикр, фойдали таклиф ва мулоҳазаларга кенг очиб қўйилди. Жамият олдидаги собиқ тузумнинг сохта мафкураси яққоқимлигидан, сохта тамойилларидан тезроқ қутилиш, халқимизни мустақил фикрлашга ўргатиш, ўзига, эртанги буюк келажагига бўлган ишончини мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур ташқи ҳар қандай таъйинлардан батамом қутулмаса, инсон тўла озод бўла олмайдди. Тўла озод бўлмаган одамнинг ўзлигини тўла намоён эта олиш имконияти яна чекланган. Энг муҳими, ишлаб чиқилган янги Конституцияда, қабул қилинган кўплаб қонунларда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ҳуқуқда ҳам, жамият, мамлакат олдидаги маъсулиятда ҳам тенглиги, ҳеч кимнинг алоҳида имтиёзга эга эмаслиги, қонун олдида барча баробарлиги ўз ифодасини топди.

Шу йиллари ўртага ташланган «Шу азиз Ватан — барчамизники» деган шior шунчаки чиройли сўзлар эмас эди. Бу тўртта сўзда янги жамиятнинг, миллий истиқлол гоҳлари руҳида барпо этилаётган буюк келажақ иморатининг мақсад-муддаоси ўзининг қуйма ифодасини топди. Ҳа, шу азиз, муқаддас ва мўътабар Ватан барчамизники, аини чоғда, ҳаммамиз ва ҳар биримиз оиламиз, маҳалламиз, меҳнат жамоамиз, келажақ авлодларимиз учун ҳам азиз бўлган бу муқаддас динимизни янада гуллаб-яшнатиш, бойликларига бойлик қўшиш, борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш, келажақ авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш ҳам барчамиз учун бирдек бурч, маъсулият, шарафли ва фахрли иш бўлиб қолди. Ўзбекистонда умргузаронлик қилаётган ҳар бир миллат ва элат вакиллари ўз тили, тарихи ва маданиятини, урф-одатини сақлаш ва ривожлантириш имконияти берилди.

Инсон маънавий камолоти билан улғу



Ҳа, шу азиз, муқаддас ва мўътабар Ватан барчамизники, аини чоғда ҳаммамиз ва ҳар биримиз, оиламиз, маҳалламиз, меҳнат жамоамиз, келажақ авлодларимиз учун ҳам азиз бўлган бу муқаддас динимизни янада гуллаб-яшнатиш, бойликларига бойлик қўшиш, борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш, келажақ авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш ҳам барчамиз учун бирдек бурч, маъсулият, шарафли ва фахрли иш бўлиб қолди.

Ҳар гал мустақиллигимизнинг навбатдаги байрами арафасида ҳаётимизда энг улғу ва энг азиз бўлиб қолган бу умумхалқ шодиёнасига қўйилган ҳар қандай таъйинлардан батамом қутулмаса, инсон тўла озод бўла олмайдди. Тўла озод бўлмаган одамнинг ўзлигини тўла намоён эта олиш имконияти яна чекланган. Энг муҳими, ишлаб чиқилган янги Конституцияда, қабул қилинган кўплаб қонунларда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ҳуқуқда ҳам, жамият, мамлакат олдидаги маъсулиятда ҳам тенглиги, ҳеч кимнинг алоҳида имтиёзга эга эмаслиги, қонун олдида барча баробарлиги ўз ифодасини топди.

Шу йиллари ўртага ташланган «Шу азиз Ватан — барчамизники» деган шior шунчаки чиройли сўзлар эмас эди. Бу тўртта сўзда янги жамиятнинг, миллий истиқлол гоҳлари руҳида барпо этилаётган буюк келажақ иморатининг мақсад-муддаоси ўзининг қуйма ифодасини топди. Ҳа, шу азиз, муқаддас ва мўътабар Ватан барчамизники, аини чоғда, ҳаммамиз ва ҳар биримиз оиламиз, маҳалламиз, меҳнат жамоамиз, келажақ авлодларимиз учун ҳам азиз бўлган бу муқаддас динимизни янада гуллаб-яшнатиш, бойликларига бойлик қўшиш, борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш, келажақ авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш ҳам барчамиз учун бирдек бурч, маъсулият, шарафли ва фахрли иш бўлиб қолди.

Ҳар гал мустақиллигимизнинг навбатдаги байрами арафасида ҳаётимизда энг улғу ва энг азиз бўлиб қолган бу умумхалқ шодиёнасига қўйилган ҳар қандай таъйинлардан батамом қутулмаса, инсон тўла озод бўла олмайдди. Тўла озод бўлмаган одамнинг ўзлигини тўла намоён эта олиш имконияти яна чекланган. Энг муҳими, ишлаб чиқилган янги Конституцияда, қабул қилинган кўплаб қонунларда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ҳуқуқда ҳам, жамият, мамлакат олдидаги маъсулиятда ҳам тенглиги, ҳеч кимнинг алоҳида имтиёзга эга эмаслиги, қонун олдида барча баробарлиги ўз ифодасини топди.

Олимпиада ўйинлари олдида

Яқинда Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари анъанага мувофиқ мамлакатимиз бош майдонидоги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Жорий йилнинг 27 июль — 12 август кунлари Лондон шаҳри мезбонлиги қиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига 60 нафардан зиёд спортчимиз йўлланма олгани ҳам бунинг далилидир. Атлетларимиз Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, трямплин, велоспорт, сузish, енгил атлетика, огир атлетика, бай-

дарка ва каноеда эшак эшиш, бокс, дзюдо, таэквондо, эркин ва юнoн-рум кураши, теннис, қиличбозлик, ўқ отиш каби спорт турлари бўйича майдонга чиқади.

Лондон Олимпиадасида иштирок этадиган спортчиларимиз орасида Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар

билан бир қаторда ушбу мусобақада илк маротаба иштирок этадиган ёш иқтидор эгаларининг ҳам кўплиги Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир етук спортчилар авлоди тарбияланаётганидан далолат беради.

Делегация аъзолари пойтахтимиздаги Амир Темури хиббони ва Алишер Навоий номидаги Миллий боғни ҳам зиёрат қилиб, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз — Соҳибқирон Амир Темури ва Алишер Навоий ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйди.

юртларида таълим олар эканлар, хориқлик тенгдошлари орасида илмга чанқоқлик, тиришқоқлиги билан ажралиб туришларидан қанча фахрланасан арзийди. Бугун улар ўз она тиллари билан бирга, қатор хорижий тилларни, тарих ва маданиятни, фалсафа ва мантиқ илмини ўрганиб ўтмиш алломуларимизнинг муносиб ворислари эканликларини намоён этмоқдалар.

Дунё муттасил ўзгариб бормоқда, глобаллашув жараёни янада кенг қўлоч ёзмоқда. Дунё қорраҳаларида турли давлатларнинг турлича манфаатлари ўзаро тўқнаш келаётган, бинабарин, ахборотлар хуружи авж олиб, ёшлар онги ва қалби учун кураш мислсиз даражага етган бир шароитда маънавий тарбия янада муҳим аҳамият касб этиши бугун ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Демак, ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий тарбия ишини янада кучайтиришимиз, янги сифат босқичига кўтаришимиз, бунинг учун эса, энг аввало, йигит-қизларнинг бугунги дунёқарши, билими, хабардорлик даражаси ва, албатта, қизиқиш йўналишлари, талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олишимиз, истиқлолимизнинг йигирма бир йиллиги муносабати билан «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан» шиори остида ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларда миллиятнинг келажаги, бугунги бунёдкорлик ишларимизни эртага давом эттирадиган ворисларимизга янада кўпроқ эътибор беришимиз зарур бўлади.

М. АҲМЕДОВ

Ўқинг, бу қизик

Тиббий йўналишдаги Archives of Internal Medicine журналида чоп этилган «Оптимизм ҳаётни узайтиради» сарлавҳали мақола диққатимни тортди. Унда Нидерландиядаги руҳий соғломлик институтида олим Эрик Гилтей раҳбарлигида олиб борилган тадқиқотлар натижалари баён қилинган.

Яхшиликка, адолатга ишонч умрни узайтиради

Ўн беш йиллик илмий изланишлар оқибатида мутахассислар шундай хулосага келишибди: бу дунёда неқбин, бу дунёда яхшилик ва яхши одамлар кўплигига, ҳаётда эса адолат устуворлигига ишонган одамлар кундалик турмушдан фақат қора ранг қидирадиган пессимист, эртанги кунига, келажагига ишонмай қарайдиган кишиларга нисбатан кўпроқ умр кечиришаркан. Яна бир ғалати ҳолат текиришлар ва тажрибалар чоғи ўз исботини топибди: қариялар орасида ҳаётга қувонч қўзи билан яйраб қарайдиган, мамнун тарзда яшайдиганлар ғамгин, сергусса, кўпчиликдан, айниқса, бола-чақаларидан, невараларидан, қўни-қўшиллардан ноллиб яшайдиган асабий тенгдошларига нисбатан юрак ҳас-талигига, инсультга икки баробар кам учрашган.

Дарҳақиқат, илмий асосда исботланган бу далиллар бир қарашда жуда оддий ҳақиқатдай туюлади. Ахир «Кенгга кенг дунё» деб бежиз айтиш-корона қувноқликни назарда тутаямиз. Бунинг ўз сабаб-омиллари бўлиши тайин.

Дейлик, бугунги куннинг ажойиблигига, эртанги куннинг эса янада яхши бўлишига нисбатан собит ишонч инсон кўнглида эзгулик туйғуларини уйғота олувчи катта кучдир. Дейлик, фарзандлар биздан кўра янада яхшироқ умр кечиришига нисбатан бўлган ишонч. Ёки жамоат транспорт-тида ҳам, кўча-кўйда ҳам, иш-хонангизда ҳам сизни ҳеч ким хафа этмаслигига, аксинча, фақат ва фақат ажойиб кайфиятли, неқбин одамларга дуч келишингизга бўлган ишонч...

Ҳа, булар ўта жўн ва оддий талаблардай туюлади дастлаб кишига. Чиндан ҳам шундай. Аммо келинг, биз уларга амал қилишни ўзимиздан бошлашга уруниб қўрайлик. Бундай эзгу сўй-ҳаракатларнинг ижобий самараси жуда тез орада ўзини кўрсатиши аниқ.

ган умрнинг хуш-хандон ўтишига ўз ҳиссамизни қўша олишимизни инкор этмасмиз. Халқимизда бири-бирдан ажойиб, пурҳикмат нақллар қанча. «Сен» ҳам бир оғиздан чиқадди, «Сиз» ҳам», деймиз. Дарҳақиқат, шундай. Дейлик, тонг саҳарда турмуш ташвишларидан боши эгик, пешонаси тиршишган ҳолда келаётган юртдошингизга айтилган бир оғизгина «Ассалому алайкум» каломи, бир жумла ширин лутф, эҳтимол, ўша одамнинг кун бўйи кайфияти кўтарилиб юришига таъсир кўрсатар. Бирники ўнга, ўнники туманга, дегандай, бундай кайфият, лаблардаги самимий табассум минг-минглаб одамларда пайдо бўлса не ажаб! Ахир яхши кайфиятда адо этилган юмуш ҳам сифатли, ҳам баракали бўлади.

Албатта, кўтарикни кайфиятга кун бўйи тишининг оқини кўрсатиб юриш билангина эришилмайди. Ҳаётга оптимист бўлиб қараш деганда фақат ташқи кўринишни, намойиш-корона қувноқликни назарда тутаямиз. Бунинг ўз сабаб-омиллари бўлиши тайин.

Дейлик, бугунги куннинг ажойиблигига, эртанги куннинг эса янада яхши бўлишига нисбатан собит ишонч инсон кўнглида эзгулик туйғуларини уйғота олувчи катта кучдир. Дейлик, фарзандлар биздан кўра янада яхшироқ умр кечиришига нисбатан бўлган ишонч. Ёки жамоат транспорт-тида ҳам, кўча-кўйда ҳам, иш-хонангизда ҳам сизни ҳеч ким хафа этмаслигига, аксинча, фақат ва фақат ажойиб кайфиятли, неқбин одамларга дуч келишингизга бўлган ишонч...

Ҳа, булар ўта жўн ва оддий талаблардай туюлади дастлаб кишига. Чиндан ҳам шундай. Аммо келинг, биз уларга амал қилишни ўзимиздан бошлашга уруниб қўрайлик. Бундай эзгу сўй-ҳаракатларнинг ижобий самараси жуда тез орада ўзини кўрсатиши аниқ.

З. ҚУРБОНОВА

Робот музлатгич

АҚШлик мутахассислар гилдиракли робот музлатгич яратдилар.



Хабарларга қараганда, махсус радиопульт ёрдамида бошқариладиган ушбу қурилма ис-талган томонга бурилиш ҳамда ичимликларни ҳўжайинига уза-тиш имкониятига эга. Зарур ҳароратнинг сақланиши учун музлатгичга махсус резина клапан ўрнатилган. Аини пай-да мутахассислар бундай ро-ботларни кенг ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш олиб бо-раётирлар.

Сузадиган уй

Австриялик машҳур дизайнер Габор Орсос сувда ҳаракатлана оладиган ҳашаматли уй лойиҳасини яратди.



Лойиҳа муаллифининг айти-шича, ушбу уйда бир вақтинг ўзида ўн икки нафар меҳмон-ни қабул қилиш мумкин. Суза-диган маъкур уйни барпо этиш учун қарийб ўттиз саккиз мил-лион АҚШ доллари миқдори-да маблағ сарфланиши кутил-моқда. Габор Орсоснинг иш-ланмасига кўплаб мамлакат-лар, жумладан, Австралия, АҚШ, Канада ва Хитой фука-ролари ҳам катта қизиқиш билдирмоқда.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, ушбу уйни Германияда барпо этиш режалаштирилган. 2013 йилга бориб уни буюртма асо-сида кенг ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Рамзий тангалар



Лондонда 2012 йилги ёзги Олимпиадага бағишлаб қим-матбаҳо металлдан тайёр-ланган тангаларнинг навбатда-ги серияси ишлаб чиқарилди.

Олтиндан тайёрланган энг катта танганинг оғирлиги бир килограммдан иборат. Хаба-рларга қараганда, машҳур ин-глиз ҳайкалтароши Энтони Каро томонидан лойиҳалаштирил-ган ушбу танга ўз минг фунт стерлингга баҳоланмоқда. Унинг бир томонида бокс қўлқоплари, штанга ва футбол тўпи тасвирланган. Иккинчи то-монида эса Буюк Британия Қиролчаси Елизавета иккин-чининг тасвири туширилган. Маҳаллий матбуотнинг ёзи-шича, қиролликда «Олимпиа-да — 2012» рамзлари тасви-рланган жами 87 миллион дона танга ишлаб чиқарилган.

«Адолат» ижтимоий-сиё-сий газетаси жамоаси фах-рий журналист, сиёсий шарҳловчи Талъат СОЛИБЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

АДОЛАТ

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазир ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖҲАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Муҳаррамон АЗИМОВА, Раъшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чинда бошлаган

Таҳрирнинг маънавий: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. adolat_gazeta@mail.ru

Беш муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда халқаро алоқалар бўлими — 236-54-39; Қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); Котибият — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Қаҳрамон ҚҮЛДОШЕВ. **Навбатчи** — Ҳулум ХИДИРОВ.

«Адолат»дан қўғириб босиш таҳририни рухсати билан амалга оширилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2013-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ — 700. Ҳажми — 4 босма табак. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6683. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.00

1 2 4 5